



Тадқиқот координаторлари:

**Фарида Ахматий**, БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Акселератор лабораториясининг ечимларни хариталаш бўйича раҳбари

**Адхамжон Кучкаров**, БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Акселератор лабораториясининг экспериментлар бўйича раҳбари

**Музаффар Тилявов**, БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Акселератор лабораториясининг тадқиқотлар бўйича раҳбари

**Бахтиёр Сайфитдинов**, Европа Иттифоқи/БМТТДнинг «Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида давлат хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш» лойиҳаси компоненти менежери

ERGO ANALYTICS консалтинг компанияси

Алоқа учун маълумот:

БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси  
100029, Ўзбекистон, Тошкент, Т. Шевченко қўчаси, 4  
[policybrief@undp.org](mailto:policybrief@undp.org)  
[www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org)  
Тел.: (+998 78) 120 34 50  
(+998 78) 120 61 67  
Факс: (+998 78) 120 34 85

Ушбу таҳлилий ҳисобот БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги Акселератор лабораторияси ҳамда Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган «Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида давлат хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш» Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси қўшма лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Ҳисоботда келтирилган фикр ва хуносалар фақат муаллифларнинг нуқтаи назарини акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, шунингдек, Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи Делегациясининг расмий позицияси ҳисобланмайди.

## Мундарижа

<b>Резюме</b>	4
<b>1    Кириш</b>	5
<b>2    Методология</b>	6
<b>3    Пилот туманларининг асосий ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари</b>	7
<b>3.1 Жиззах вилояти Бахмал тумани</b>	8
<b>3.2 Сирдарё вилояти Ховос тумани</b>	11
<b>4    Пилот туманларда сайёр давлат хизматларидан фойдаланувчининг профили</b>	13
<b>4.1    Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги фойдаланувчилик сўровининг натижалари</b>	13
<b>4.2    Жиззах вилояти Бахмал туманида фойдаланувчилик орасида ўтказилган сўров натижалари</b>	28
<b>5    Пилот туманларда чуқурлаштирилган сухбатлар натижалари (шахслар усули бўйича)</b>	39
<b>6    Сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг амалдаги тизимини таҳлил қилиш</b>	48
<b>6.1    Сирдарё вилояти Ховос тумани</b>	48
<b>6.1.1    Сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг амалдаги тизими ҳақида умумий маълумот</b>	48
<b>6.1.2    Таширифлар жадвали ва мунтазамлиги</b>	49
<b>6.1.3    Аҳолини огоҳлантириш ва аҳоли билан мулоқотда бўлиш</b>	54
<b>6.1.4    Сайёр давлат хизматлари учун тўловларни амалга ошириш</b>	54
<b>6.1.5    Сайёр хизматларни кўрсатишда «Дамас»/автобусларнинг бюджети ва харажатлари</b>	55
<b>6.2    Жиззах вилояти Бахмал тумани</b>	59
<b>6.2.1    Сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг амалдаги тизими ҳақида умумий маълумот</b>	59
<b>6.2.2    Таширифлар жадвали ва мунтазамлиги</b>	60
<b>6.2.3    Аҳолини огоҳлантириш ва аҳоли билан мулоқотда бўлиш</b>	64
<b>6.2.4    Сайёр давлат хизматлари учун тўловларни амалга ошириш</b>	65
<b>6.2.5    Сайёр хизматларни кўрсатишда «Дамас»/автобусларнинг бюджети ва харажатлари</b>	65
<b>7    Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида иштирок этиш</b>	70
<b>7.1    Ховос тумани (автобусда 1 марта, «Дамас»да 1 марта ташриф)</b>	70
<b>7.2    Бахмал тумани (автобусда 1 марта, «Дамас»да 1 марта ташриф)</b>	71
<b>8    Тавсиялар</b>	73
<b>9    1-илова: Бахмал туманининг ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари харитаси</b>	79
<b>10    2-илова. Ховос тумани ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари харитаси</b>	90
<b>11. 3-илова. Икки пилот туманинг «Дамас»/автобуслари бюджетларининг қиёсий таҳлили</b>	100

## **Резюме**

Ушбу тадқиқотни ўтказишдан мақсад, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг пилот туманларида сайёр давлат хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, уларни янада такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларидаги аҳолининг заиф қатламларининг турмуш даражасини оширишдан иборатdir.

Пилот туманларнинг ижтимоий-иктисодий таҳлили шуни кўрсатди, 2018-2020 йилларда Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг иктисодий ўсиш суръатлари мос равишида 51% ва 44%ни ташкил этган бўлса, республика бўйича эса ушбу кўрсаткич 43%ни ташкил қилди. Иккала вилоятнинг тармоқ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги устунлик қиласи. Пилот туманларнинг ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари ўхшаш муаммоларни кўрсатади – болаларнинг мактабгача таълим билан кам қамраб олиниши, аҳоли орасида камбағаллик ва ногиронликнинг тахминан бир хил даражаси. Шунингдек, фарқлар ҳам мавжуд, масалан, Сирдарё вилоятининг Ховос туманида мобил алоқа билан таъминланиш ва аҳолини газ билан таъминлаш сезиларли даражада юқори. Жиззах вилоятининг Бахмал туманида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ёшлар ва катталарни иш билан таъминлаш харакатлари яхши йўлга қўйилган.

Давлат хизматлари марказлари (ДХМ)нинг кўчма пунктлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини баҳолаш учун Ховос туманидан 531, Бахмал туманидан 501 дан ортиқ сайёр хизматдан фойдаланувчилар сўровда иштирок этди. Муҳими шундаки, ушбу респондентлар сайёр хизматлардан фойдаланган бўлсалар-да, улар давлат хизматларидан фойдаланганларни ҳақида тушунчага эга бўлмаганлар. Респондентлар «Дамас»/автобусларнинг маҳаллаларга катнов жадвалидан бехабарлар. Аҳоли ДХМ ходимларининг («Дамас» русумли автомобилларда) келиши ҳақида маҳалла қўмитаси вакилларидан билиб олади. Аҳоли маҳсус жиҳозланган автобуслар асосидаги кўчма пунктларда сайёр давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти мавжудлигини билмайди. «Дамас»ларда офис ускуналарининг етишмаслиги туфайли респондентлар давлат хизматларининг факат чекланган тўпламидан фойдаланишлари мумкин.

Аҳоли турли қатламларининг давлат хизматларига бўлган эҳтиёжларини яхшироқ тушуниш учун 15-20 нафар респондентлар билан чуқурлаштирилган сухбатлар ўтказилди, сайёр давлат хизматлари фойдаланувчиларининг саккизта умумлаштирилган тасвирлари аниқланди (шахслар усули бўйича). Ҳар бир гурухнинг эҳтиёжлари ва сайёр хизматларнинг қулайлигини яхшилаш бўйича тавсиялари ўрганилди.

Сўровларни ўтказиш, умумлаштирилган тасвирларни тузиш ва уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, хизматлар дизайнини ва давлат хизматларини кўрсатувчилар ва улардан фойдаланувчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштиришнинг зарур элементлари хисобланади.

Таҳлил жараёнида «Дамас» автомашиналари асосидаги кўчма пунктларнинг техник жиҳозланиши барча мавжуд давлат хизматларини жойларда кўрсатиш имконини бермаётгани аниқланди. Шунингдек, маҳаллаларга катнов жадвалини уларнинг ДХМда жойлашган туман марказидан узоқда жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш зарур. Бундан ташқари, «Дамас»лар катновларининг самарадорлигини ошириш учун маҳалла қўмиталари вакиллари катнов жадвалига эга бўлишлари ва аҳолини олдиндан хабардор қилишлари керак. Узоқда жойлашган маҳаллаларда онлайн тўлов оммабоп эмас, шунинг учун тўловларни нақд пул кўринишида қабул қилиш хукуқига эга бўлган ДХМ

операторларининг сонини кўпайтириш керак. «Дамас» ва автобуслар бюджети таҳлили уни мақбуллаштириш ва қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Сайёр давлат хизматларидан фойдаланишини яхшилаш мақсадида қуидагилар таклиф этилади:

- олис маҳаллаларга автобус қатновининг мақсадга мувофиқлигини қайта кўриб чиқиш;
- «Дамас»ларни паст вольтли принтер, сканер, ноутбуклар, бир нечта алоқа операторларининг СИМ-карталари, бир нечта операторларнинг мобил интернет-модемлари, йифма стол ва стуллар билан таъминлаш орқали моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш;
- олис маҳаллаларда айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича масъул ДХМ агенти лавозимини жорий этиш;
- сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона услубий қўлланмасини ишлаб чиқиш;
- аҳолининг давлат хизматлари, жумладан, сайёр хизматлар, масалан, телевидение, радио ва оммавий аҳборот воситалари орқали хабардорлигини ошириш, шунингдек, аҳборот баннерларини одамлар гавжум жойларда – бозорлар ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларида жойлаштириш;
- сайёр давлат хизматларини кўрсатишида «Дамас»/автобуслар учун ажратиладиган бюджет маблағларини уларнинг қатнов жадвали ва харажатлар моддаларини қайта кўриб чиқиши орқали мақбуллаштириш;
- «Дамас»ларнинг амалдаги иш жадвалини маҳаллаларнинг узоқлигини хисобга олган ҳолда мақбуллаштириш;
- «Дамас»ларнинг қатнов жадвали маҳалла қўмиталари раисларига маълум бўлишини таъминлаш, улар эса ўз навбатида аҳолини хабардор қилишлари шарт;
- аҳолидан давлат хизматлари учун накд тўловларни қабул қилиш хуқуқига эга бўлган ДХМ операторлари сонини кўпайтириш.

Юқоридаги тавсияларнинг самарадорлигини ошириш учун, давлат хизматларидан фойдаланувчиларни ечимларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш жараёнига янада жалб этиш зарур.

## 1 Кирish

Маълумки, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифати, шунингдек, уларнинг аҳолининг барча қатламлари учун қулайлиги билан белгиланади. Қишлоқ аҳолисининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги беш йилда мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([ЯИДХП](#)) ва [www.davxizmat.uz](http://www.davxizmat.uz) сайтларидаги маълумотларга кўра, сўнгги бир неча йил ичida ДХМлари орқали берилган аризалар сони

11,5 миллион нафарга, ЯИДХП орқали эса – 6,4 миллионга етди<sup>1</sup>. 2021 йилга келиб ДХМ орқали кўрсатиладиган хизматлар сони 157 тани ташкил этди<sup>2</sup>.

Ушбу тадқиқот БМТТДнинг Ўзбекистондаги Акселератор лабораторияси ҳамда Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган «Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида давлат хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш» Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси қўшма лойиҳаси доирасида амалга оширилмоқда. БМТТДнинг Ўзбекистондаги Акселератор лабораторияси маҳаллий ҳамжамият ечимлари, янги маълумотлар ва тажриба манбалари ҳамда динамик ва ўзаро боғлиқ муаммолар ечимларини бирлаштирган ҳолда БМТТДни ривожлантириш ишига янгича ёндашувни илгари суради, бу эса ўз навбатида Барқарор ривожланиш мақсадларига қисқа вақт ичида эришишга ижобий ҳисса қўшади. БМТ Тараққиёт дастури, Европа Иттифоқи ва Давлат хизматлари агентлиги ўртасидаги қўшма лойиҳа давлат хизматларини кўрсатишни яхшилашга қаратилган бўлиб, хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш орқали қишлоқ жойлардаги аёллар, ёшлиар ва болалар, қариялар ва ногиронлар каби аҳолининг заиф қатламларининг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган.

**Ушбу тадқиқотни ўтказишдан мақсад, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида давлат хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш ва давлат бошқаруви даражасини ошириш янада қишлоқлардаги аҳолининг заиф қатламлари турмуш даражасини ошириш учун фойдаланувчи профилини аниқлаш ва сайёр давлат хизматларини кўрсатиш тизимини таҳлил қилишдан иборатdir.** Сирдарё вилояти Ховос туманидаги учта олис қишлоқ маҳалласи – Оқчангали, Ўзбекистон тўқинчилиги, Бинокор ҳамда Жиззах вилояти Бахмал туманидаги учта олис қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари – Молгузар, Музбулоқ ва Ойқор қишлоғи – пилот туманлари сифатида танлаб олинди.

Ҳозирда пилот туманларини ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. 2021 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринbosари бошчилигидаги вазирликлар, идоралар, тармоқ бирлашмалари ва тижорат банклари раҳбарларидан иборат ишчи гурӯҳ мавжуд ҳолатни ўрганиш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиши мақсадида Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ушбу худудларнинг комплекс ижтимоий-иктисодий ривожланишини янада рағбатлантириш мақсадида жўнаб кетди.

Пилот туманларда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, аҳолига, хусусан, олис қишлоқдаги аҳолининг заиф қатламларига давлат хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш зарур.

## 2 Методология

Тадқиқот методологияси қуйидагилардан иборат:

- 1. Пилот туманларининг асосий ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларини ўрганиш ва уларни хариталаш.** Ховос ва Бахмал туманларининг 11 ва 12

<sup>1</sup> <https://my.gov.uz/ru>.

<sup>2</sup> <https://davxizmat.uz/ru>.

ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини харитага тушириш ва уларга қисқача тавсиф бериш.

- 2. Пилот маҳаллаларида сайёр давлат хизматларидан фойдаланувчилар билан сўров ўтказиш.** Сайёр давлат хизматларидан фойдаланиш тажрибасига эга аҳоли ўртасида сўров ўтказиш. Сўровда сабабни аниқлаш мақсадида сайёр хизматларидан фойдаланмаётган аҳоли ҳам қамраб олинади. Умумий танлаб олингандар сони 1000 кишини ташкил этади (ҳар бир pilot туманидан 500 кишидан).
- 3. Сайёр давлат хизматларидан фойдаланувчиларнинг умумлаштирилган тасвирларини яратиш (шахслар усулидан фойдаланган ҳолда) учун чуқурлаштирилган сұхбатлар ўтказиш.** Pilot туманларининг олис қишлоқ жойларида сайёр давлат хизматларидан асосий фойдаланувчиларнинг умумлаштирилган тасвирларини, жумладан, демографик хусусиятларни, давлат хизматлари ҳақида маълумот манбаларини, хавотирлар, мурожаат қилиш мақсадлари, мотиваторлар ва эҳтиёжларни янада кенгрок аниқлаш мақсадида чуқурлаштирилган сұхбатлар ўтказилди. Тасвирлар ҳар бир pilot маҳалласидан 15-25 кишидан сўров ўтказиш асосида шакллантирилди.
- 4. Сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг амалдаги тизимини таҳлил қилиш.** «Дамас» ва автобусларнинг тасдиқланган қатнов жадвалларини, уларнинг бюджети ва харажатларини ўрганиш<sup>3</sup>, ДХА, ДХМ вакиллари билан сұхбатлар ташкил этиш орқали pilot туманларидаги маҳаллалар, шунингдек, фойдаланувчиларнинг сайёр давлат хизматларидан қониқиши даражаси ва уларни кўрсатишнинг турли жиҳатларини аниқлаш учун сўров ўтказиш орқали сайёр давлат хизматларини кўрсатиш тизимини кўриб чиқиши ўз ичига олади.
- 5. Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида иштирок этиш.** Pilot туманларига қатнаш вақтида сайёр давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида бевосита иштирок этиш – бир дона автобусда ва бир дона «Дамас»да Ховос туманидаги pilot маҳаллаларига ҳамда Бахмал туманидаги pilot маҳаллаларига бориб келиш.

Олинган натижалар pilot туманларида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш сиёсати йўналишларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши мумкин. Таҳлил натижалари сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг амалдаги тизими самарадорлигини, унинг нарх-сифат нисбати нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш имконини беради, шунингдек, сайёр давлат хизматларини кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиши имконини беради. Қўлланган методология натижасида сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг белгиланган ва амалдаги жараёни аниқланади, бу эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат хизматлари билан аҳолини ҳамраб олишни кенгайтириш бўйича қарорлар ва кўриладиган чора-тадбирлар учун асос бўлади.

### **3 Пилот туманларининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари<sup>4</sup>**

2020 йилда Сирдарё ва Жizzах вилоятларининг ялпи ҳудудий маҳсулоти мос равишда 12,2 млрд. сўм ва 17,4 млрд. сўмни ташкил этди. 2018-2020 йилларда ялпи ҳудудий

<sup>3</sup> ДХА автобуслари, ДХМ «Дамас»лари

<sup>4</sup> Маҳалла раислари томонидан БМТТДнинг жойлардаги маслаҳатчиларига тақдим этилган маҳалла паспортларидағи маълумотлар

маҳсулотнинг ўсиш суръати Сирдарё вилоятида 51%, Жиззах вилоятида 44%, республика бўйича эса 43%ни ташкил этди. Ушбу даврда ЯИМни шакллантиришда пилот туманларининг иштироки мос равища 2% ва 3% ташкил этди.

2020 йилда Жиззах вилояти ЯХМнинг тармоқ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 56,1%ни ташкил этади. Хизматлар, саноат ва қурилиш улуши мос равища 25,4%, 11,3% ва 7,2% ни ташкил этади.

Худди шундай Сирдарё вилоятида ҳам ЯХМнинг катта улуши қишлоқ хўжалиги – 42,3%, саноат – 25,2%, хизмат кўрсатиш соҳаси – 24,2% ва қурилиш – 8,3% га тўғри келади.

Пилот туманларининг тармоқ таркиби республикадаги ўртacha кўрсаткичдан фарқ қилади. 2020 йилда 35,5% саноат ва қурилиш, 36,3% хизмат кўрсатиш ва 28,2% – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига тўғри келди<sup>5</sup>.

### 3.1 Жиззах вилояти Бахмал тумани

Маҳалла раислари томонидан БМТТДнинг жойлардаги маслаҳатчиларига тақдим этилган маълумотларга кўра, 2021 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра даромади (ЭКИХдан 0,527 қисми = 433 194 сўмни<sup>6</sup> ташкил этган кам таъминланган оиласаларнинг аксарияти Бахмал туманининг шарқий қисмидаги тоғли худудда жойлашган Сангзор ҚФЙ (қишлоқ фуқаролар йигини), Молгузар МФЙ (махалла фуқаролар йигини), Бахмал ҚФЙ ва Нушкент МФЙ аҳоли пунктларида истиқомат қилади (1.1-расмга қаранг). Ушбу аҳоли пунктларида кам таъминланган оиласаларнинг улуши 2,6%дан ортиқни ташкил этади. Туманнинг жануби-шарқий қисмидаги Маданият МФЙ, Узунбулоқ ҚФЙ, Мустақиллик МФЙ, Барлос ҚФЙ аҳоли пунктларида кам таъминланган оиласаларнинг улуши 2,6%дан 4%гача. Ўрмончи МФЙ ва Навбаҳор МФЙ аҳоли пунктларида ушбу кўрсаткич энг паст - 1%дан кам.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил январь-декабрь ойларидаги ижтимоий-иқтисодий вазияти, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2021 йил.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 марта «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 122-сон қарори (<https://lex.uz/docs/5319768>).

## Бахмал туманининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари



Манба: Маҷалла раислари томонидан БМТТДнинг жойлардаги маслаҳатчиларига тақдим этилган маҷалла паспортиларидаги маълумотлар.



Энг кўп ишсиз аҳоли туманинг шарқий ва жануби-шарқий қисмларида аҳоли пунктларида жойлашган (1.2-расмга қаранг). Хусусан, Новқа МФЙ, Фаллакон МФЙ, Сангзор ҚФЙ, Молгузар МФЙ, Темирқадам МФЙ ва Музбулоқ МФЙ аҳоли пунктларида ишсизлар улуши аҳолининг 20%идан ортигини ташкил килади. Шу билан бирга, Маданият МФЙ, Узунбулоқ ҚФЙ, Бахмал ҚФЙ, Қутлуғобод МФЙ ва Янгибоғ МФЙ аҳоли пунктларида ишсизлар улуши 1%дан кам. Туманинг барча бошқа худудларида ишсиз аҳолининг улуши 1%дан 20%гacha.

Умумий ишсизлик даражасидан фарқли ўлароқ, ёшларнинг ишсизлик даражаси туманинг ғарбий ва жануби-ғарбий қисмларида (1.3-расмга қаранг) кўпроқ кузатилади. Ишсиз ёшларнинг энг юқори фоизи Маданият МФЙ, Узунбулоқ ҚФЙ, Бунёдкор МФЙ, Навбаҳор МФЙ ва Шодлик МФЙ (2,5%дан ортиқ) аҳоли пунктларида кузатилади. Шу билан бирга, Дўстлик МФЙ, Қутлуғобод МФЙ, Мугол ҚФЙ, Ойкор ҚФЙ, Ўрмончи МФЙ, Темирқадам МФЙ ва Бахмал ҚФЙ аҳоли пунктларида ёшларнинг ишсизлик даражаси энг паст (1%дан кам) қайд этилди. Бошқа аҳоли пунктларининг кўрсаткичлари 1%дан 2,5%гача.

Бахмал туманидаги аксарият уй хўжаликлари ичимлик суви билан таъминланган (1.4-расмга қаранг). Бироқ, Молгузар МФЙда, Сангзор ҚФЙда, Нурафшон МФЙда ичимлик

суви билан таъминланмаган уй хўжаликларининг улуши 70,1%дан 100%гача. Шуниси дикқатга сазоворки, Молгузар МФЙ ва Сангзор ҚФЙ Сангзор дарёси бўйида жойлашган, Нурафшон МФЙ эса Тонготар шаҳри яқинида жойлашган. Тулбулоқ, Навбаҳор, Кутлугобод, Новқа, Ойқор, Темирқадам аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминланмаган уй хўжаликлар улуши 50,1%дан 70%гача ўзгаради. Маълумотлари мавжуд бўлмаган шаҳарлар ва аҳоли пунктларидан ташқари бошқа барча аҳоли пунктларида уй хўжаликларнинг 20%дан камроғи ичимлик суви билан таъминланмаган.

Бахмал туманида жами 1173 километр (38%) йўлларнинг 441 километри таъмирланиши керак. Бахмал туманининг аксарият аҳоли пунктларида 10 кмдан ортиқ йўллар таъмирланиши керак (1.5-расмга қаранг).

Энг қийин вазият туманинг жануби-шарқий қисмидаги аҳоли пунктларида кузатилмоқда. Хусусан, Сангзор, Ойқор, Музбулоқ аҳоли пунктларида 31 кмдан ортиқ йўллар таъмирланиши керак; Молгузар МФЙ, Бахмал ҚФЙ ва Темирқадам МФЙда - 26 кмдан 30 кмгача. Ўрмон хўжалиги билан чегарадош бўлмаган Ўрмончи МФЙда 10 кмдан камроқ йўл таъмирга муҳтоҷ.

Туманинг ғарбий қисмида Мустақиллик МФЙ (31 кмдан ортиқроқ йўл таъмирланиши керак), Тулбулоқ ҚФЙ, Узунбулоқ ҚФЙ ва Барлос ҚФЙда энг оғир вазият юзага келган. Бир вақтнинг ўзида Маданият, Сарой ва Оқтош аҳоли пунктларида қарийб 10 км йўл таъмирга муҳтоҷ. Қолган барча аҳоли пунктларида 16 кмдан 30 кмгача бўлган йўллар ёмон ахволдадир.

Мактабгача таълим муассасалари билан қамров кўрсаткичи мактабгача таълим муассасаларига кириш имкониятига эга бўлган мактабгача ёшдаги болалар сони билан боғлиқ вазиятни акс эттиради. Статистик маълумотларга кўра, факат туман маркази Ўсматда мактабгача таълим муассасалари билан қамрови 40%дан ортиқ (1.6-расмга қаранг). Ундан кейинги ўринларда 15,1%дан 40%гача кўрсаткич билан Новқа, Мугол, Нушкент, Кутлугобод, Фидокор ва Оқтош аҳоли пунктлари жойлашган. Шу билан бирга, Бунёдкор, Навбаҳор, Мустақиллик, Сарой ва Ўрмончи МФЙларда бирорта ҳам мактабгача таълим муассасаси мавжуд эмас.

Ногиронлиги бўлган аҳолининг энг кўп фоизи Маданият, Сарой (2%дан ортиқ) аҳоли пунктларида, Кутлугобод МФЙ ва Сангзор ҚФЙларда (1,5%дан 2%гача) (1.7-расмга қаранг). Навбаҳор, Янгибоғ, Новқа, Темирқадам ва Музбулоқ МФЙларда, шунингдек, Тонготар, Боғишамол, Ойқор ва Бахмал ҚФЙларида ногиронлиги бўлган аҳоли сони энг паст кўрсаткичга эга. Қолган аҳоли пунктларида кўрсаткич 0,5%дан 1,4%гача ўзгариб туради.

Тумандаги бирорта ҳам аҳоли пункти қониқарли даражада электр таъминотига эга эмас (1.8-расмга қаранг). Ўрмончи МФЙ ва Оқтош ҚФЙ электр энергияси билан паст даражада таъминланган, қолган аҳоли пунктларида электр таъминоти узлуксизлиги ўртacha даражада.

Статистик маълумотларга кўра, туманинг аксарият аҳоли пунктларида майший газ таъминоти 55%дан кам (1.9-расмга қаранг). Ойқор, Узунбулоқ ва Сарой ҚФЙларида 70%дан ортиқ уй хўжаликлари суюлтирилган газдан фойдаланиш имкониятига эга. Ўсмат

шахри ва Оқтош ҚФЙ майший газ билан таъминоти бўйича энг паст кўрсаткичга эга (20%дан кам). Тулбулоқ, Бунёдкор, Нурафшон, Барлос, Қутлуғобод, Мугол, Ўрмончи, Бахмал аҳоли пунктларида 55,1%дан 70%гача уй хўжаликлари табиий газ билан таъминланган.

Бахмал тумани ДХМи туман маркази – Ўсмат шаҳрида жойлашган. Бахмал туманидаги аҳоли пунктлари орасида ДХМ филиали фақат Бахмал ҚФЙда фаолият юритмоқда (1.10-расмга қаранг).


Туманинг аксарият аҳоли пунктлари мобил интернет сифатининг пастлиги муаммосига дуч келмоқда (1.11-расмга қаранг). База станциялари фақат Ўсмат шаҳрида (8 дона), Санзор (2 дона) ва Тонготар ҚФЙларда (1 дона), шунингдек, Янгибог МФЙда ишлайди. Бошқа барча аҳоли пунктларида (шаҳарларни ҳисобга олмагандан) мобил интернет станциялари мавжуд эмас. Мобил алоқа хизматлари барча йирик операторлар - Ucell, Beeline, UMS, Uzmobile томонидан кўрсатилиб қамров зоналари турлича.

### 3.2 Сирдарё вилояти Ховос тумани

Маҳалла раислари томонидан БМТТДининг жойлардаги маслаҳатчиларига берилган маълумотларига кўра, кам таъминланган оиласарнинг энг кўп улуши Бўстон, Фарҳод ва Ўзбекистон тўкинчилиги МФЙларда (4%дан ортиқ) қайд этилган (2.1-расмга қаранг). Улардан кейин Бинокор, Афросиёб ва Мустақиллик (2,1%дан 4%гача), шунингдек, Ховособод, Хуснобод, Гулбаҳор, Янгиер ва Соҳибкор (1,1%дан 2%гача) аҳоли пунктлари жойлашган. Кам таъминланган оиласарнинг энг кичик фоизи Оқчангал, Обод турмуш ва Қайирма МФЙларидадир (0,5%дан кам).



*Манба: Маҳалла раислари томонидан БМТТДининг жойлардаги маслаҳатчиларига тақдим этилган маҳалла паспортларидағы маълумотлар.*



Ишсизликнинг юқори фоизи туманинг ғарбий қисмида, Бўстон, Қаҳрамон (10,1%дан 25%гача), шунингдек, Бинокор, Хуснобод МФЙларда (5,1%дан 10%гача), шунингдек, Фарҳод, Мустақиллик 25 йиллиги, Соҳибкор, Қайирма, Қорақум (5,1%дан 10%гача) қайд этилган (2.2-расмга қаранг). Ишсиз аҳолининг асосий қисми Обод турмуш МФЙда (25%дан ортиқ). Шу билан бирга, ишсизликнинг энг паст даражаси Шарқобод МФЙда (1%дан кам) кузатилди.

Ховос шаҳри билан чегарадош Мустақиллик 25 йиллиги МФЙ ишсиз ёшларнинг энг юқори фоизига эга (50%дан ортиқ) (2.3-расмга қаранг). Соҳибкор, Фарҳод ва Бинокор аҳоли пунктларида ҳам ишсиз ёшлар салмоғи юқори (25,1%дан 50%гача). Энг кам ишсиз ёшлар<sup>7</sup> Афросиёб ва Шарқобод МФЙда (5%дан кам) қайд этилган. Бошқа барча ҳудудларда ишсиз ёшлар улуши 5,1%дан 25%гача ўзгариб туради.

Ичимлик суви бўлмаган уй хўжаликларининг энг катта фоизи туманинг жанубий ва ғарбий қисмларида кузатилмоқда. Аҳоли ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган аҳоли пунктларидан бири (Ховособод МФЙ) Ховос шаҳри билан чегарадош (2.4-расмга қаранг). Оқчангал, Ўзбекистон тўкинчилиги, Фарҳод ва Қайирма МФЙларидағи аҳоли ҳам ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Қорақум МФЙдаги уй хўжаликларнинг 40,1%дан 55%гача ичимлик сув билан таъминланмаган. Ичимлик суви бўлмаган уй хўжаликларининг энг паст фоизи Янгиер, Афросиёб ва Соҳибкор МФЙларида - 20,1%дан 40%гача.

Туманинг аксарият аҳоли пунктларида 15 кмдан ортиқ йўллар таъмирланиши керак (2.5-расмга қаранг). Энг оғир аҳвол туманинг шарқий туманида бўлиб, Обод турмуш, Фарҳод ва Қайирма аҳоли пунктларида 25 километрдан ортиқ йўл таъмирталаб. Ўзбекистон тўкинчилиги МФЙда ҳам худди шундай ҳолат. Таъмирлашга муҳтоҷ бўлган йўлларнинг энг ками Бинокор МФЙда (5 кмдан кам). Ховос шаҳри ва Бўстон МФЙдан ташқари (ушбу аҳоли пункти бўйича маълумот йўқ), туманинг бошқа аҳоли пунктларида 5,1 кмдан 25 кмгacha автомобиль йўли таъмирланиши керак.

Статистик маълумотларга кўра, мактабгача таълим муассасаларининг энг кўп қамраб олиниши туманинг шимоли-ғарбий қисмида, хусусан, Бўстон, Қаҳрамон, Пахтакор ва Янгиер МФЙларида (20,1%дан 40%гача) ва Хуснобод МФЙда (40%дан ортиқ) (2.6-расмга қаранг) қайд этилган. Фарҳод (40%дан ортиқ) ва Ховособод МФЙларда (20,1%дан 40%гача)

<sup>7</sup> Ёшлар – «Давлат ёшлар сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, ўн тўрт ёшдан ўттиз ёшгача бўлган шахслар (<https://www.lex.uz/acts/3026250>).

юқори кўрсаткичлар қайд этилган. Шу билан бирга, Бинокор, Оқчангалик, Мустақиллик 25 йиллиги ва Шарқобод МФЙларида мактабгача таълим муассасалари бутунлай йўқ.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг энг катта улуши Фарҳод МФЙда қайд этилган (2%дан ортиғи). Соҳибкор, Пахтакор ва Бўстон МФЙлар аҳолисининг 1,6%дан 2%гача нафарини ногиронлиги борлар ташкил қиласди (2.7-расмга қаранг). Энг кичик кўрсаткич Хуснобод МФЙда (0,5%дан кам). Қолган аҳоли пунктларида, Ховос шахридан ташқари, ногиронлар улуши аҳолининг 0,6%дан 1,5%гача.

Аҳоли пунктларининг мутлақ кўп қисмида 95,1%дан 100%гача бўлган уй хўжаликлари газ қувурлари ёки газ баллонлари кўринишида газ билан таъминланган (2.8-расмга қаранг). Бироқ, Бўстон ва Ховособод МФЙларда табиий газдан фойдаланиш имконияти бўлган уй хўжаликларининг улуши мос равишда 60,1%дан 95%гача ва 15,1%дан 60%гача ташкил қиласди. Уй хўжаликларининг энг кичик фоизи Гулбаҳор ва Қорақум МФЙларда (5%дан кам) қайд этилган.

ДХМ филиали фақат Қаҳрамон МФЙда фаолият кўрсатмоқда (2.9-расмга қаранг).

Аҳоли пунктларини аксарияти мобил интернетнинг базавий станциялари билан таъминланган. Оқчангалик МФЙ станцияларнинг максимал сонига эга (3 станция), Афросиёб, Бинокор, Янгиер ва Бўстон МФЙларида ҳар бирида 2 тадан станция бор (2.10-расмга қаранг). Шу билан бирга, Хуснобод, Пахтакор, Ховособод, Мустақиллик 25 йиллиги МФЙда, Гулбаҳор ва Қайирмада станциялар мавжуд эмас. Ховос шахри ва маълумот мавжуд бўлмаган Шарқобод МФЙдан ташқари қолган аҳоли пунктларда биттадан станция ўрнатилган.

#### **4 Пилот туманларда сайёр давлат хизматларидан фойдаланувчининг профили**

##### **4.1 Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги фойдаланувчилик сўровининг натижалари**

Сўровда «Дамас»/автобуслар орқали сайёр давлат хизматларидан фойдаланган 531 респондент иштирок этди. Сўровда 72 нафар респондент мисолида аҳолининг сайёр хизматларга мурожаат қилмаганлик сабаблари ҳам ўрганилди. Шуни таъкидлаш керакки, тўлиқ намуна олинган бўлса-да (ҳар бир пилот маҳалласидан 167 нафар), сайёр хизматлардан фойдаланган респондентларни топиш учун сўров катта саъй-харакат талаб қилди ва шунинг учун Ховос тумани Соҳибкор маҳалласида 30 та қўшимча сўров ўтказилди.

Респондентларнинг 60%ини аёллар, 40%ини эркаклар ташкил қиласди. Респондентларнинг ўртача ёши 39 бўлиб, 18 ёшдан 73 ёшгача бўлган шахслардир. Респондентларнинг 90%и оиласлик. Респондентнинг ўртача 2 нафар фарзанди бор, ўртача ойлик даромади 2,3 миллион сўмга яқин. Респондентларнинг қарийб 3,5%ида ногиронлик бор. 44%и ўрта маҳсус, 38,2%и ўрта маълумот, 11,5%и бакалавриат даражасига эга. Уларнинг қарийб 30%и вақтинча ишсиз, 19,1%и фермерлар ёки мавсумий ишчилардир.




Вақтинча ишсиз мақомини кўрсатган респондентлар орасида «Болани давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш учун ариза бериш» ва «Пенсия (нафақа) ҳақида маълумот олиш» давлат хизматлари энг кўп талаб қилинган.




Респондентларнинг давлат хизматларидан ДХМлари орқали фойдаланиш ҳақида 57,4%, сайёр давлат хизматларидан фойдаланиш ҳақида 26,4%, электрон шаклда фойдаланиш ҳақида 16,1% билишлари аниқланган. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу респондентларнинг барчаси сайёр хизматлардан фойдаланган бўлса-да, улар давлат хизматларидан фойдаланаётганларни ҳақида тушунчага эга бўлмаганлар. Ушбу тенденция тўртта ёш гурӯхида кузатилмоқда.

### Давлат хизматларини кўрсатиш усууларидан хабардорлик




### Ёш тоифаси бўйича хабардорлик



Респондентларнинг (72 нафар) сайёр давлат хизматлардан фойдаланиш имкониятидан фойдаланмасликларининг асосий сабаби, уларнинг сайёр хизматлар мавжудлигидан хабардор эмаслигидир (52,2%). Шу билан бирга, туман ДХМларида 34,7%га давлат хизматлари кўрсатилган. Респондентларнинг 8,3% сайёр хизматлардан фойдаланишга эҳтиёжи бўлмаган, 2,8% эса сайёр хизматларга мурожаат қилиш тартибини тушунмаган.

### Сайёр давлат хизматларидан фойдаланмаганлик сабаби



Респондентларнинг 96,4%и сайёр хизматлардан фойдаланиш учун «жисмоний шахс» мақомида мурожаат қилган. Фақат 11,1%и ДХМ ходимига учрашдан олдин телефон орқали маслаҳатлашиш имкониятидан фойдаланган. Телефон орқали маслаҳатлашувдан фойдаланганларнинг қарийб 86%и маълумотдан қониқкан.

Ўзбек тилида ўқиш ва ёзиш учун 46,4% лотин алифбосини, 17,2% кирилл алифбосини, 36,4% иккаласини афзал кўрмоқда.


Респондентлар кўрсатилаётган сайёр хизматларнинг сифатига ҳам баҳо бердилар. Шундай қилиб, ЭРИни олиш (5 баллдан 5 балл), судланганлик тўғрисидаги маълумотномаларни олиш<sup>8</sup> (4,8 балл) ва янги тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш (4,8 балл) каби хизматлар учун энг юқори балл тўпланди. Сифат жиҳатидан энг паст балл олганлар қуидагилар бўлди:

- 1,2 МПа босимгача газ тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш (4,0 балл);
- Кадастр паспортини расмийлаштириш (3,9 балл);
- Фуқароларни жамғаривор бориладиган пенсия таъминоти тизимиға ҳисобга олиш (3,8 балл).


---

<sup>8</sup> Ишга жойлашиш ва ҳарбий муассасаларга мурожаат қилишда респондентларга керак бўлади.

## Сайёр хизматлар сифати бўйича ўртача баҳо



88,4% респондентларнинг аризаси дарҳол қабул қилинди. Ҳужжатлари дарҳол қабул қилинмаганлар орасида, ради жавоби олишнинг энг кенг тарқалган сабаблари бўлиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқиши учун қайтариш (28%), «Дамас» ва автобуслар орқали хизмат кўрсата олмаслик (15%) ва техник носозликлар (57%) кўрсатилган. **Бинобарин, камида ҳар иккинчи ради этишининг сабаби ускунанинг техник носозлигидир.** Респондентлар «Дамас» ва/ёки автобусларда келган операторларнинг ускуналари (принтерлар, сканерлар) йўқлиги ёки носозлиги, интернет алоқа сифатининг қониқарли эмаслиги, бу эса мурожаатни тўлдиришга имкон бермаётгани ҳақида гапирдилар.




Респондентларнинг ярми сайёр хизматлардан 2-3 марта ва фақат ҳар ўнинчи 1 марта фойдаланган. Респондентларнинг 33,1%и давлат хизматларидан фойдаланиш учун «Дамас» ёки автобуслар олдига 4-5 марта борган. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, амалда битта хизматдан фойдаланиш учун аризачи биринчи навбатда «Дамас» ёки автобусда сайёр хизматларни күрсатиш учун келган операторга мурожаат қилиши, кейин эса ДХМнинг ўзида фойдаланиши мүмкін эди.

Респондентларнинг атиги 9,8%и сайёр хизматлардан «Дамас» ва/ёки автобус орқали бир марта фойдаланғанликларини айтгандар. Бундан ташқари, респондентларнинг 5,1%и «5 мартадан ортиқ» деган жавобни күрсатиб ўтган, 2,3%и эса жавоб олиш учун қайтмаган.

Респондентлар сайёр давлат хизматидан фойдаланиш учун навбатда ўртача 16 дақиқа туришган, кутишнинг максимал вақти эса 1,5 соатни ташкил этган. Шу ўринда аниқлик киритиш керакки, навбатда туриш вақти катта ташрифлар чоғида сайёр хизматларни күрсатиш билан боғлиқ эди.

Респондентларнинг 5%дан камроғи сайёр хизматлардан фойдаланишда норасмий тўловларни амалга оширганлар, бу эса коррупция хавфининг анча юқори эканлигини кўрсатади. Норасмий тўловларга дуч келган аризачилар қуйидаги хизматлардан фойдаланган эдилар:


- кадастр паспортини расмийлаштириш (28%);
- кўчмас мулк объектларига бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш (20%);
- тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш (якка тартибдаги уйжой қуриш обьекти учун) (16%);
- ФХДЕ органлари томонидан архив хужжатларини бериш (12%);
- болани давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш учун ариза бериш (12%);
- бошқа хизматлар (12%).





Сайёр хизматларни күрсатыш учун келган транспорт турлари орасыда респондентлар «Дамас» (82,4%), автобус (14,9%) ва шахсий автомобилни (2,8%) айтиб ўтишган. Респондентларнинг 88,8%и сайёр давлат хизматларининг келиш жадвалини маҳалла қўмитаси орқали, 5%и ДХМга қўнғироқ қилиб, яна 5%и қариндошлари, танишлари ёки қўшниларидан хабардор бўладилар.





Давлат хизматлари кўп ҳолларда маҳалла қўмитаси биносида (36,4%), «Дамас» (29,4%), мактаб (18%) ва автобусларда (10,3%) камроқ кўрсатилган. Бундан ташқари, респондентларнинг 5,8%и операторларнинг уй хўжаликларига борганиликларини кўрсатди.



Респондентларнинг деярли ярми 48%и «Дамас»/автобуслар чорақда бир марта, 27%и эса ойда бир марта келишини қайд этди, бу эса «Дамас»/автобуслар маçаллаларга мунтазам равишда қатнамаслигини күрсатади. Шу билан бирга, респондентларнинг атиги 35%и сайёр давлат хизматларини күрсатиш учун «Дамас»/автобусларнинг қатнов жадвалини билади. Респондентларнинг аксарияти (89%) «Дамас»/автобуслар келганини маçалла қўмитаси вакиллари орқали билиб олади.




Шунингдек, респондентлар сайёр давлат хизматлари учун турли хил тўлов усуллари мавжудлигини таъкидладилар. Масалан, қўчма касса (39,7%), PayNet (33,4%), оператор орқали тўлов (12,7%) ва бошқалар. Шу билан бирга, респондентларнинг **таксиминан 20%и сайёр давлат хизматлари учун тўловни амалга оширишда қийинчиликларга дуч келди**: тизим хатоси (27,2%), нақд пулни қабул қиласлик (22,9%), картани қабул қиласлик (20,9%), интернет алоқасининг барқарор эмаслиги (17,9%).




Респондентлар «Дамас»/автобусларнинг жиҳозланишига паст баҳо бердилар. Шундай қилиб, 48,4%и зарур жиҳозлар ва канцелярия буюмлари йўқлигини таъкидладилар. Респондентларнинг 24%и маҳаллага ташрифи чоғида ДХМ сайёр хизмати ходимлари Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берганлигини таъкидладилар. Респондентлар интернетдан фойдаланиш имкониятига катта шубҳа билан қарадилар: 46%и давлат хизматларидан интернет орқали фойдаланиш учун алоқани барқарор эмас деб ҳисоблайдилар.

### «Дамас»/автобусларнинг жиҳозланиши



### Интернетдан фойдаланиш имконияти



Сайёр давлат хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ салбий тажрибаларнинг энг қўп учрайдиган сабблари:

- «Дамас»/автобусларнинг техник жиҳозлари билан боғлиқ муаммолар (техника воситалари, хусусан, принтер, сканерларнинг йўқлиги, интернет алоқаси барқарор эмас) (39,8%);
- хизматлардан фойдаланиш учун интернетнинг мавжуд эмаслиги (18,2%);
- сайёр давлат хизматларининг қатнови мунтазам эмаслиги (17,7%).


## Сайёр давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнидаги салбий тажриба




Сайёр давлат хизматларининг долзарбиятындағы көзқарастардың 52% даңыншылды. Шундай қилиб, 35,8% даңыншылды әркаклар, 46,2% даңыншылды аёллар ташкил килди. Респондентларнинг үртатағынан 40 баллни ташкил этади. Шундай қилиб, демографик хұсусияттар даңыншылдын орасыда хизмат күрсатыш сифатынан 5 баллдан 4,3 баллни ташкил этади.

Сайёр хизматларни үнчалик долзарбиятындағы көзқарастардың 51,5% даңыншылды әркаклар, 40,0% даңыншылды аёллар ташкил килди. Респондентларнинг үртатағынан 36 баллни ташкил этади. Шундай қилиб, демографик хұсусияттар даңыншылдын орасыда хизматлар күрсатыш сифатинан 5 баллдан 4,3 баллни ташкил этади. Шундай қилиб, демографик хұсусияттар даңыншылдын орасыда хизматлар күрсатыш сифатинан 5 баллдан 4,3 баллни ташкил этади. Шундай қилиб, демографик хұсусияттар даңыншылдын орасыда хизматлар күрсатыш сифатинан 5 баллдан 4,3 баллни ташкил этади.

## Сайёр давлат хизматларининг долзарбияты



### Сайёр давлат хизматларидан фойдаланишда енгиллик ва қулайлик



Респондентларнинг 63%и сайёр давлат хизматларидан фойдаланишда бир қатор қийинчиликлар мавжудлигини қайд этди. Ҳужжатларга қўшимча талаблар, жараённинг мураккаблиги ва қўшимча тартиблар мавжудлигини кўрсатдилар, 7%и эса хизматдан умуман фойдалана олмади.


Респондентлар операторларнинг хушмуомалалигини қайд этдилар, бироқ операторларни давлат хизматларини кўрсатиш бўйича айрим масалаларда малакасиз деб ҳисоблайдилар (32,4%). Респондентларнинг қарийб 13%и операторларнинг қўполлигини айтиб ўтдилар. Респондентларнинг 51,4%и учун ҳужжатлар белгиланган муддатда тайёrlанган, атиги 8,8% холатда аризаларни кўриб чиқиши муддати 5 иш кунидан ортиқда бажарилган.

### Сайёр хизматларини кўрсатувчи операторларнинг професионаллик даражаси




Учдан бир холатда (33,2%) респондентларнинг ҳужжатлари хизматга ариза тақдим қилгандан сўнг дархол қабул қилинган ва рўйхатга олинган. 20,2% респондентларнинг аризалари қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш шарти билан қабул қилинган. Респондентларнинг бир хил миқдорининг (17,2%) ҳужжатлари қабул қилинишида рад

жавоб олдилар: айримларининг хужжатлари дарҳол қабул қилинмади (17,2%), бошқалари эса сабаблар тушунтирилмай рад жавоб олдилар (17,2%). Шунинг учун, 12,3%и хизматдан фойдаланиш учун қайта мурожаат қилди.



Ярим ҳолатларда мурожаат этувчиларнинг хужжатлари белгиланган муддатда (51,4%) тайёрланган. 12,3%нинг хужжатлари муддатидан олдин тайёрланганган, 13,1%нинг аризаларини кўриб чиқиш муддати 1-2 иш кунидан ошиб кетган. 8,8% респондентларнинг хужжатлари 5 ва ундан ортиқ кунда кўриб чиқилган. Бундан ташқари, респондентларнинг 6%и аризани кўриб чиқиш муддати ва тартиби тўғрисида маълумотга эга эмаслигини таъкидлади.



Шунингдек, респондентлар аризага жавоб бериш тартибларининг самарадорлигига ҳам баҳо бердилар. Шундай қилиб, 54,6%и тегишли тартибда хизматдан фойдаландилар ва жавоб олдилар, 7,5% респондентларнинг аризалари эса тушунтиришсиз рад этилди.

Аммо барча мурожаат қилганларнинг учдан бир қисми (33,9%) түлиқ ва сифатли маълумот олди, респондентларнинг 38,2%и эса тақдим этилган маълумотларда кичик ноаниқликлар борлигини айтиб ўтдилар.



### Аризага жавоб бериш тартибининг самарадорлиги




## 4.2 Жиззах вилояти Бахмал туманида фойдаланувчилар орасида ўтказилган сўров натижалари

Сўровда автобус ёки «Дамас»лар орқали сайёр давлат хизматларидан фойдаланиш тажрибасига эга бўлган 501 респондент иштирок этди. Эркак ва аёл нисбати 42%га 58%ни ташкил этди. Респондентларнинг ёши 18 ёшдан 71 ёшгacha бўлиб, ўртacha ёш – 39. Респондентларнинг 85%и оиласи. Респондентларнинг ҳар бирининг ўртacha 3 нафар фарзанди бор, ўртacha ойлик даромади 1,3 миллион сўмга яқин. Респондентларнинг қарийб 5%ида ногиронлиги мавжуд шахслар. 32%и ўрта маҳсус, 44%и ўрта маълумот ва 11,3%и бакалавр даражасига эга. Уларнинг қарийб 28,5%и вақтинча ишсиз ва 22,8%и фермер ёки мавсумий ишчилардир. Вақтинча ишсиз мақомини кўрсатган респондентлар орасида




«Болани давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш учун ариза бериш», «Кадастр паспортини шакллантириш» ва «Судланмаганлиги (судланганлиги) тўғрисида маълумотнома олиш» давлат хизматлари энг кўп талаб қилинган. Сўровда аҳолининг сайёр хизматлардан фойдалана олмаслиги сабаблари ҳам 65 респондент мисолида ўрганилди.



Умуман олганда, респондентлар давлат хизматларидан фойдаланиш усуллари ҳақида тасаввурга эга - 60,3%и ДХМлар, 22%и сайёр давлат хизматлари, 17,7%и электрон усул орқали фойдаланиш ҳақида биладилар. Айтиш жоизки, ушбу респондентларнинг барчаси сайёр хизматлардан фойдаланган бўлса-да, улар давлат хизматларидан фойдаланаётганиклиари ҳақида тушунчага эга бўлмаганлар.



Респондентларнинг (65 нафар) сайёр давлат хизматларидан фойдаланмасликларининг асосий сабаби бундай сайёр хизматлар мавжудлигидан бехабарлигидир (64,5%и). Шу билан бирга, респондентларнинг 14,5%и хизматлардан ДХМларида фойдаланганлар. Шуниси эътиборга лойиқки, респондентларнинг 9,7%и қаерга мурожаат қилишни билмаган ёки сайёр хизматларни кўрсатиш учун операторлар келишини жуда узоқ кутган. Респондентларнинг 1,6%и сайёр хизматлардан фойдаланишга эҳтиёжи бўлмаган.



Респондентларнинг 95,2%и сайёр хизматлардан фойдаланиш учун жисмоний шахс мақомида мурожаат қилган. Тахминан 24%и ДХМ ходимига учрашдан олдин телефон орқали маслаҳатлашиш имкониятидан фойдаланган. Телефон орқали маслаҳатлашувдан фойдаланганларнинг қарийб 76,4%и маълумотдан қониққан. Ўзбек тилида ўқиш ва ёзиш учун 20,2%и лотин алифбосини, 54,9%и кирилл алифбосини, 25%и эса иккаласини ҳам афзал кўрмокда.


Респондентлар кўрсатилаётган сайёр давлат хизматларининг сифатига ҳам баҳо бердилар. Шундай қилиб, энг юқори баҳолар қуйидаги хизматларга берилди:

- яшаш жойи бўйича маълумотнома олиш (4,6 балл);
- СТИРни аниқлаш (4,6 балл);
- фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимиға ҳисобга олиш (4,5 балл).

Сифат жиҳатидан энг паст балл олганлар қуйидагилар бўлди:


- қурилиш-монтаж ишлари бошланганлиги ҳақида хабар бериш (3,8 балл);
- пенсия ва нафақа ҳақида маълумот (3,7 балл);
- лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш (3,7 балл).

### Сайёр хизматлар сифати бўйича ўртача баҳо



70,1% респондентларнинг аризаси дарҳол қабул қилинди. Ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун қайтариш (48%), «Дамас»/автобуслар орқали хизмат қўрсата олмаслик (16%) ва техник носозликлар (35%) туфайли ҳужжатларни қабул қиласлик рад жавоб олишнинг энг кенг тарқалган сабаблари бўлиб кўрсатилган. **Бинобарин, ҳужжатларни қабул қилишда рад жавобларнинг учдан биридан ортиғи жиҳозларнинг техник носозликлари билан боғлиқдир.**


### Хўжжатларни қабул қилишда рад этиш сабаблари



Респондентларнинг қарийб учдан бир қисми сайёр хизматлардан 2-3 марта, ярмидан сал кўпроғи эса факат бир марта фойдаланган. Сайёр давлат хизматларидан 4 мартадан ортиқ фойдаланганлар 12%дан камчиликни ташкил қиласди. Амалда битта хизматдан фойдаланиш учун аризачи биринчи навбатда «Дамас» ёки автобусда сайёр хизматларни кўрсатиш учун келган операторга мурожаат қилиши, сўнгра ундан ДХМнинг ўзида фойдаланиши мумкин эди, чунки ариза «Дамас»/автобусда келган оператор томонидан қабул қилинади ва ДХМни ўзида бажарилади.

Респондентлар сайёр хизматдан фойдаланиш учун навбатда ўртacha 24 дақиқа туришган, кутишнинг максимал вақти эса 2 соатни ташкил этган. Респондентларнинг 7%и давлат хизматларидан фойдаланишда норасмий тўловларни амалга оширган, бу коррупция хавфининг анча юкори эканлигини кўрсатади. Коррупцияга дуч келган респондентлар куйидаги хизматлардан фойдаланганларини таъкидладилар:

- Кадастр паспортини шакллантириш (17%);
- Якка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) лойиха-смета хўжжатларини келишиш (15%);
- Болани давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш учун ариза бериш (15%);
- Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома (13%);
- Қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш (13%).




Сайёр хизматларни кўрсатиш учун келган транспорт турлари орасида респондентлар «Дамас» (84,4%), автобус (9,4%) ва шахсий автомобилни (6,1%) белгилаб ўтганлар. Респондентларнинг 67,3% и «Дамас»/автобусларнинг келиш жадвалини маҳалла қўмитаси орқали, 12,7% и эса ДХМга телефон қилиш орқали билиб олади.



Респондентларнинг қарийб 30% и «Дамас»/автобуслар ҳар чоракда бир марта, 14% и эса ойда бир марта келишни қайд этди, бу эса ташрифлар мунтазам равишда қатнамаслигини кўрсатади. Шу билан бирга, беш нафар респондентдан фақат биттаси «Дамас»/автобусларнинг келиш жадвалини билади.

### «Дамас»/автобусларнинг қатнови




### «Дамас»/автобуслар келиши ҳақида аҳолининг хабардорлиги



Шунингдек, респондентлар сайёрга давлат хизматлари учун турли тўлов усуллари мавжудлигини таъкидладилар. Масалан, кўчма касса (42%), PayNet (16,4%), оператор орқали тўлов (36,5%) ва бошқалар. Шу билан бирга, **респондентлар сайёрга давлат хизматлари учун тўловни амалга оширишда турли қийинчиликларга дуч келдилар:** тизим хатоси (16,3%), нақд пулни қабул қиласлик (12%), картани қабул қиласлик (19,8%), интернет алоқасининг барқарор эмаслиги (42,9%) ва бошқалар.

### Сайёрга давлат хизматлари учун тўлов усуллари




### Сайёр давлат хизматлари учун тўлов пайтидаги қийинчиликлар




Шундай қилиб, респондентларнинг 27,5%и зарур жиҳозлар ва канцелярия буюмларининг йўқлигини таъкидладилар. Респондентларнинг 33,1%и маҳаллага ташрифи чоғида ДХМ сайёр хизмати ходимларининг ЯИДХПдан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берганлигини таъкидладилар. Респондентлар интернетдан фойдаланиш имкониятига катта шубҳа билан қарамоқдалар: 42,1%и давлат хизматларидан интернет орқали фойдаланиш учун алоқани барқарор эмас деб ҳисоблайдилар.

Дамас/автобусларни жиҳозланиши



Интернетдан фойдаланиш қобилияти



Сайёр хизматлар билан боғлиқ салбий тажрибаларнинг энг кўп учрайдиган сабаблари:


- Сайёр давлат хизматлари қатновининг мунтазам эмаслиги (29,7%);
- «Дамас»/автобусларнинг техник жиҳозлари билан боғлиқ муаммолар (16,9%);
- Ноқулай қатнов жадвали (13,4%).

Респондентларнинг 44%и қатновлар кам бўлганлиги ва мунтазам бўлмаганлиги сабабли сайёр хизматларни долзарб деб ҳисобламайдилар. 30,5%и сайёр давлат хизматларини қулай ва долзарб деб ҳисоблайдилар.

### Сайёр давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнидаги салбий тажриба



### Сайёр давлат хизматларининг долзарблиги



Респондентлар операторларнинг хушмуомалалигини қайд этдилар, бироқ операторларни давлат хизматларини кўрсатиш бўйича айрим масалаларда малакасиз деб ҳисоблайдилар (38,3%), аммо қўполликка учраганлари ҳам бор (2,2%), респондентларнинг 10,6%ига ходимлар томонидан ёрдам берилмаган. Респондентларнинг 43,1%и учун хужжатлар белгиланган муддатда тайёрланган, атиги 8,2% аризаларни қўриб чиқиши муддати 5 иш кунидан ортиқда бажарилган.

### Сайёр давлат хизматларидан фойдаланишда енгиллик ва қулайлик



Респондентларнинг қарийб 34%и хизматлардан ҳеч қандай муаммосиз дархол фойдаланганларини таъкидладилар. Қолган 11,6%и хизматдан фойдалана олмади, 26% учун жараён улар ўйлагандан ҳам мураккаброқ бўлиб чиқди, 19% қўшимча тартиб-коидалар ва 9,4% қўшимча ҳужжат талаблари ҳақида айтиб ўтди.

### Сайёр хизматларни кўрсатувчи операторларнинг професионаллик даражаси



Аксарият ҳолларда ҳужжатлар белгиланган муддат ичida тайёрланган (респондентларнинг 43,1%). Шу билан бирга, респондентларнинг 16,6%и аризани кўриб чиқиш муддати 1-2 иш кунидан ошиб кетганини, 13,4%и эса ҳужжатлар белгиланган муддатдан аввалроқ тайёрланганлигини таъкидлаганлар. Бундан ташқари, респондентларнинг 11,2%и хизматни кўриб чиқиш муддати ва тартиби тўғрисида хабардор қилинмаган.

### Ариза ва тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш



Шунингдек, респондентлар сайёр хизмат кўрсатиш тартиб-қоидаларининг самарадорлиги ва сифатини ҳам баҳоладилар. Шундай қилиб, 32,3%и тегишли тартибда хизматдан фойдаландилар ва жавоб олдилар, 5,2%нинг аризаси эса тушунтиришсиз рад этилди. Шу билан бирга, респондентларнинг 23,6%и маълумотларда кичик ноаниқликлар борлигини айтиб ўтдилар.

### Аризага жавоб бериш тартибининг самарадорлиги



Аксарият холларда ариза берувчилар тўлиқ ва сифатли маълумотлар билан таъминланган (43,3%). Шу билан бирга, респондентларнинг 23,6%и маълумотларда кичик ноаниқликлар борлигини, 21,4%и эса тўлиқ бўлмаган маълумотлар берилганини таъкидлаганлар. 9,8%и маълумотларда катта камчиликлар борлигини ва тўлиқ тақдим этилмаганини, 2%и эса маълумот берилмаганини таъкидладилар.



## 5 Пилот туманларда чуқурлаштирилган сухбатлар натижалари (шахслар усули бўйича)


Пилот туманларда сайёр давлат хизматларидан фойдаланувчи профилини таҳлил қилишда «Шахслар» усулидан фойдаланиш Бахмал ва Ховос туманларидағи олис маҳаллаларда яшовчи (хар бир туманда 60 кишидан) 120 та фуқаро билан чуқурлаштирилган сухбатлар асосида амалга оширилди.

Бахмал туманида 28 нафар аёл ва 32 нафар эркак, жумладан, 17 нафар ёшлар ва 4 нафар ногиронлар чуқурлаштирилган сухбатларда иштирок этдилар.

Ховос туманида чуқурлаштирилган сухбатларда 37 нафар аёл ва 23 нафар эркак, жумладан, 18 нафар ёшлар, 5 нафар ногиронлар иштирок этди.

## 1-шахс (Жиззах вилояти Бахмал тумани)

«Менга сайёр пунктга боршининг аниқ қуни ва вақтини билиш ёки маҳалламдаги филиалга мурожаат қилиши қулай бўлар эди».



**Демографик хусусиятлар**  
Фермер хўжаликда мавсумий равиида ишлайдиган уй бекаси  
➢ Ёши: 35  
➢ Манзил: Бахмал тумани  
➢ Иш билан таъминланниши: иш билан расмий равиида таъминланмаган  
➢ Оиласий аҳволи: оиласи  
➢ Оиласидаги болалар сони: уч нафар  
➢ Маълумоти: ўрта  
➢ Ўртacha даромади: 1,3 млн. сўм

**Сайёр пунктларга мурожаат қилишдан мақсади (goals)**  
Үй хўжалиги билан боғлиқ ва оиласий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида давлат хизматларига мурожаат қиласди. Масалан, болани болалар боғчасига жойлаштириш, коммунал тармоқларга уланиш. Турмуш ўртоғи ёки бошқа кекса оила аబзоларининг кўрсатмаларига кўра, кадастр паспортини расмийлаштириш, объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш каби ва бошқа давлат хизматларидан фойдаланиш учун сайёр пунктларга мурожаат қиласди.

**Эҳтиёжлар (needs)**  
«Дамас»/автобусларнинг тез-тез келишини хоҳлар эди. Шунингдек, сайёр пунктнинг маҳаллага қаҷон ва қайси вақтда келишини билиши, керак бўлса, ДХМнинг ўз маҳалласидаги филиалига мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиши ҳам мухим. У учун хизматлар тез кўрсатилиши керак.

**Хавотирлар (frustrations)**  
Сайёр давлат хизматларига мурожаат қиласди, у «Дамас»лар/автобусларнинг кам келиши ва мунтазам келмаслиги, айрим хизматларнинг қимматлиги ва Ўсмат шаҳридаги ДХМига боришига мажбур бўлишидан хавотирда. Шунингдек, тез-тез электрнинг ўчиб туриши ва интернетга уланишнинг сифатсизлигидан хавотирда.

**Мотиваторлар (enablers)**  
Интернетга уланиш сифатининг яхшиланиши, унга давлат хизматларидан фойдаланиш учун тез-тез мурожаат қилиш имконини беради, давлат хизматларидан фойдаланиш босқичлари тўғрисида аниқ ва яққол маълумотларга эга бўлиш, баъзи хизматларни кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, шунингдек, сайёр пунктлардаги хизматлар учун тўловларни арzonлаштириш.

**Тавсиялар**  
Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 1-сонли шахс учун ўз маҳалласига «Дамас»ларнинг қатнов жадвалини билиши, шунингдек, уларнинг ташрифи тўғрисида ўз вақтида хабар олиши зарур. Бунинг учун «Дамас»ларнинг қатнов жадвали маҳалла қўмитаси ходимларига маълум бўлиши ва улар, ўз навбатида, жадвални аҳоли ўртасида тарқатишлари тавсия этилади. Бундан ташқари, интернетга уланиш сифати яхшиланиши билан 1-сонли шахс ўзи ҳам онлайн ариза топшириш имконига эга бўлади. Олис маҳаллада яшовчи бўлганлиги сабабли, унга айрим давлат хизматлари учун тўловни амалга ошириш қийин бўлиши мумкин, шу сабабли давлат божини қисман тўлаш имкониятини кўриб чиқиши тавсия этилади.

## 2-шахс (Жиззах вилояти Бахмал тумани)

«Оилам ва маҳаллам фаровонлиги учун ҳар бир маҳаллада ДХМ филиаллари очилса ёки маҳалла қўмитасида хизмат кўрсатиш имконияти яратилса яхши бўлар эди».



**Демографик ҳусусиятлар**  
Тадбиркор/фермер  
➢ Ёши: 39  
➢ Манзил: Бахмал тумани  
➢ Иш билан таъминланниши: таъминланган  
➢ Оиласвий аҳволи: оиласи  
➢ Оиласдаги болалар сони: икки-уч нафар  
➢ Маълумоти: ўрта маҳсус  
➢ Ўртacha даромади: 2,4 млн. сўм

**Сайёр пунктларга мурожаат қилишдан мақсади (goals)**  
Уй хўжаликларининг даромадларини оширишга қаратилган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш учун давлат хизматларига мурожаат қиласди. Масалан, кўчмас мулкка бўлган хукукларни рўйхатга олиш, объектни қайта ихтисослаштириш/реконструкция қилиш, реконструкцияси туталланган обьектни фойдаланишга кабул қилиш ва хоказо.

**Мотиваторлар (enablers)**  
Сайёр давлат хизматларидан фойдаланишда ушбу шахс учун энг муҳими, «Дамас»да барча давлат хизматларидан бир мурожаат мобайнида фойдалана олишлигидир.

**Маълумот манбалари (sources)**  
Маҳалла қўмитаси ходимларидан, ДХМ вакилларидан, телевидение, оммавий ахборот воситалари ва интернет ресурслари орқали маълумот олади.

**Эҳтиёжлар (needs)**  
У ўз маҳалласида – ДХМ филиалида ёки маҳалла қўмитасида - бир мурожаат мобайнида, ҳамёнбоп тўлов орқали барча хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

**Хавотирлар (frustrations)**  
Сайёр хизматларга мурожаат қилганда, у «Дамас»/автобуслар камдан-кам келиши, шунингдек, баъзи хизматларнинг қимматлиги ва узоқ муддат хизмат кўрсатишидан хавотирда. Қолаверса, сайёр давлат хизматларига мурожаат қилишда барча масалалар бир вақтнинг ўзида ҳал этилмаслиги, айrim холларда Ўсмат шаҳрига боришига тўғри келишидан хавотирда.

**Тавсиялар**  
2-сонли шахс учун сайёр давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш бўйича давлат хизматларидан ўз маҳалласида ва бир вақтнинг ўзида Ўсмат шаҳридан чиқмаган ҳолда фойдаланиш имкониятига эга бўлишилиги муҳимdir. Шу муносабат билан «Дамас»ларни олис маҳаллаларда мустақил давлат хизматлари кўрсатувчиси сифатида фаолият юритиши учун **зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш тавсия этилади**. Олис маҳаллаларда **ДХМ агенти лавозимини жорий этиш** ҳам самарали бўлар эди. Шунингдек, ариза берувчининг хизматга мурожаат қилиши ва онлайн режимида жавоб олиши учун олис маҳаллалардаги **интернет алоқаси сифатини ошириш** зарур.

## 3-шахс (Жиззах вилояти Бахмал тумани)



«Мен учун сайёр пунктларнинг ходимлари уйимга давлат хизматларини кўрсатиш учун ташриф буюришиса қулайроқ бўлар эди».

### Демографик ҳусусиятлар

Оила аъзоларининг қаромогида ва/ёки ижтимоий нафақалар ҳисобига яшайди

- Ёши: 34
- Манзил: Бахмал тумани
- Иш билан таъминланниши: таъминланмаган
- Оиласидаги болалар сони: бир-иккى нафар
- Маълумоти: маълумоти йўқ/ўрта
- Ўртacha даромади: 600 минг сўмдан

### Маълумот манбалари (sources)

Махалла қўмитаси ходимлари, танишлар ва қариндошлар, оила аъзоларидан, телевидение ва радио орқали маълумот олади.

### Хавотирлар (frustrations)

Давлат хизматларидан фойдаланиш зарурати туғилганда, давлат хизматларидан фойдаланиш жойига етиб олиш ва Ўсмат шаҳридаги ДХМига бориш заруратидан хавотирда. «Дамас»/автобуслар махаллага камдан-кам келишидан ва мунтазам ташриф буюрмаслигидан ва хизматлар қиммат бўлишидан хавотирда.

### Сайёр пунктларга мурожаат қилишдан мақсади (goals)

Шахсий муаммоларни ҳал қилиш, ҳусусан, маълумотномалар ва нафақалар ёки ишга жойланиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни олиш учун давлат хизматларига мурожаат килади. Масалан, иш фаолиятини бошлаш учун зарур бўлган турли хил ижтимоий-иктисодий маълумотномалар ёки ҳужжатлар.

### Мотиваторлар (enablers)

Имконияти чекланган шахсга давлат хизматларидан уйда фойдаланиш ва ДХМ ходимидан дастлабки маслаҳат олиш қулай бўлар эди. Шунингдек, давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнини аниқ ва равшан тушуниши муҳимdir.

### Эҳтиёжлар (needs)


Имконияти чекланган шахсга давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотлар «easy-to-read» (осон ўқиладиган) форматда тақдим этилиши зарур. Шунингдек, у учун тез ва навбатсиз хизмат кўрсатилиши, тўлов тизимининг янада мослашувчан бўлиши муҳимdir.

### Тавсиялар

3-сонли шахсга сайёр давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш учун, **сайёр давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнинда инклузив муҳитни - имтиёзли хизмат кўрсатишини** (навбатдан ташқари, уйга ташриф буюриш) ва ДХМ ходимлари билан дастлабки маслаҳатлашувни **ривожлантириш тавсия этилади**.

## 4-шахс (Жиззах вилояти Бахмал тумани)

«Мен сайёр хизматлар тизимидан мамнунман, лекин менимча, бир нафар эмас, балки бир нечта оператор келиши ва улар янада самарали ишилаши керак».



### Демографик хусусиятлар

Мавсумий иичи/талаба

- Ёши: 25
- Манзил: Бахмал тумани
- Иш билан таъминланниши: таъминланмаган
- Ошадаги болалар сони: бир-иккى нафар
- Маълумоти: ўрта маҳсус/тугалланмаган олий
- Ўртacha даромади: 1,2 млн. сўмдан

### Сайёр пунктларга мурожаат қилишдан мақсади (goals)

Шахсий масалаларни ҳал қилиш, хусусан, никоҳни қайд этиш учун ариза бериш, түғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш, кейинги ишга жойлашиш, таълим муассасасига ёки ҳарбий хизматга қабул қилиш учун турли маълумотномалар олиш бўйича давлат хизматларига мурожаат қиласди.

### Мотиваторлар (enablers)

Бу йигит учун «Дамаслар»нинг керакли даражада жиҳозланиши, операторлар аризани тез ва сифатли рўйхатдан ўткизиши мухимдир. Агар «Дамас»лар керакли даражада жиҳозланмаган бўлса, маҳалла қўмитасининг жиҳозланиши, уларга давлат хизматларини кўрсатишда «Дамас»ларга ёрдам бериш имконини бериши мухим.

### Маълумот манбалари (sources)

Дўстлар, қариндошлар ва қўшнилардан телевидение ва интернет ресурслари орқали маълумот олади.

### Хавотирлар (frustrations)

Давлат хизмати керак бўлганда, «Дамас»/автобус қачон келишини билмаслигидан, улар мунтазам равишда келмаслигидан хавотирланади. Баъзи хизматлар учун тўловлар юқори бўлиши мумкинлигидан ва интернет сифати онлайн ариза беришга имкон бермаслигидан хавотирланади.

### Эҳтиёжлар (needs)

Сайёр пунктлар маҳаллага тез-тез қатнаши зарур. Шунингдек, Бахмал МФЙдаги ДХМ филиалининг иш вақтини билиш ва аризаларни онлайн тарзда тақдим этиш учун маҳалла қўмитасида Wi-Fi уланишини ташкил этиш ҳам мухим аҳамиятга эга.

### Тавсиялар

4-сонли шахс барча давлат хизматларидан «Дамас»лар орқали фойдаланиш имкониятига эга бўлиши ва уларнинг ташрифлари жадвалини, шунингдек, Бахмал МФЙдаги ДХМ филиалининг иш тартибини билиши мухим аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан, «Дамас»ларни олис маҳаллаларда мустакил давлат хизматлари кўрсатувчи сифатида фаолият юритиши учун зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш тавсия этилади. Шунингдек, «Дамас»ларнинг қатнов вақти маҳалла қўмитаси ходимларига маълум бўлиши ва улар ўз навбатида бу маълумотларни аҳоли ўртасида кенг тарқатишлари тавсия этилади.

## 5-шахс (Сирдарё вилояти Ховос тумани)



«Мен учун сайёр пунктларга мурожаат қилиши қулай, бироқ уларнинг ташрифи сонини кўпайтириши ва уларнинг жадвали ҳақида аҳолини хабардор қилиши зарур».

**Демографик хусусиятлар**

*Ижтимоий соҳада шилайди (соглиқни сақлаш/таълим)*

- Ёши: 37
- Манзил: Ховос тумани
- Иш билан таъминланниши: таъминланган
- Оиласи аҳволи: оиласи
- Оиласидаги болалар сони: икки нафар
- Маълумоти: ўрта маҳсус
- Ўртacha даромади: 2,0 млн. сўм

**Сайёр пунктларга мурожаат қилишдан мақсади (goals)**

Уй хўжалиги билан боғлик ва оиласий муаммоларни ҳал қилиш максадида давлат хизматларига мурожаат қилади. Масалан, болани болалар боғчасига жойлаштириш, кадастр паспортини расмийлаштириш. Шунингдек, судланганлик/судланмаганлик ҳақидаги маълумотнома каби ишга жойлашиш учун зарур бўлган турли хилдаги маълумотномаларни олиш учун шахсий масалаларда ҳам давлат хизматларига мурожаат қилади.

**Маълумот манбалари (sources)**

Маҳалла қўмитаси ходимлар, ҳамкаслар ва мактаб, танишлар, қариндошлар ва қўни-қўшнилардан, шунингдек, интернет тармоғидан маълумот олади.

**Мотиваторлар (enablers)**

Идеал ҳолда, у ДХМ операторларининг маҳаллага ташриф буюриш жадвалини билишни хоҳлади. Охир оқибат туман марказига боришга тўғри келмаслик учун «Дамас»лар барча зарур ускуналар билан жиҳозланган бўлиши муҳимdir. Агар интернетнинг сифати яхши бўлганида, у аризани онлайн тарзда берар эди.

**Хавотирлар (frustrations)**

Агар бирор-бир давлат хизмати керак бўлса, «Дамас»/ автобуслар камдан-кам ташриф буюришидан хавотирда. Бундан ташқари, у бир неча марта мурожаат қилишидан, жавоб салбий бўлишилиги, жараённинг мураккаблиги ва хизмат кўрсатишнинг узок муддат бўлишилигидан хавотирда.

**Эҳтиёжлар (needs)**

Бу шахс учун «Дамас»/автобусларнинг тез-тез ва мунтазам равишда ташриф буюриши ва «Дамас»/автобусларнинг қачон келишини аниқ билиши керак.


**Тавсиялар**

Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш учун 5-сонли шахс ўз маҳалласига «Дамас»ларнинг қатнов жадвалини билиши, шунингдек, уларнинг ташрифи ҳақида ўз вақтида хабардор бўлиши керак. Бунинг учун «Дамас»ларнинг **қатнов жадвали маҳалла қўмитаси ходимларига маълум бўлиши ва улар ўз навбатида жадвални аҳоли ўргасида тарқатишлари тавсия этилади.**

44

## 6-шахс (Сирдарё вилояти Ховос тумани)

«Мен учун ДХМда давлат хизматларидан фойдаланиш учун туман марказига бориши қулай, чунки маҳалламга сайдер пунктларнинг ташрифини кутишига вақтим йўқ».



### Демографик хусусиятлар

#### Фермер

- Ёши: 40
- Манзил: Ховос тумани
- Иш билан таъминланниши: таъминланган
- Оиласий аҳволи: оиласи
- Оиласаги болалар сони: икки нафар
- Маълумоти: ўрта
- Ўртacha даромади: 2,8 млн. сўм ва ундан ортиқ

### Маълумот манбалари (sources)

Маҳалла қўмитаси раиси ва ДХМ вакиллари, маҳалладошлар, дўйстлар, ҳамкаслардан ҳамда интернет ресурслари орқали маълумот олади.

### Хавотирлар (frustrations)

Бир мурожаатда ҳамма муаммоларни ҳал қилиб бўлмаслиги ва мурожаатдан кейинги жавоб салбий бўлиши мумкинлигидан хавотирда. Шунингдек, у хизмат кўрсатиш узок муддат бўлиши ва хизматларнинг нархи юқори бўлишидан хавотирда.

6-сонли шахс учун мавжуд бўлган барча давлат хизматларидан ўз маҳалласидаги ДХМида бемалол фойдаланиш қулай бўлар эди. Бунинг учун олис маҳаллаларда ДХМ агенти лавозимини жорий этиш тавсия этилади.

### Сайдер пунктларга мурожаат қилишдан мақсади (goals)

Уй хўжаликларининг даромадларини оширишга қаратилган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш учун давлат хизматларига мурожаат қиласди. Масалан, янги тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш, ЭРИ, СТИР олиш, кадастр паспортини рўйхатдан ўтказиш.

### Мотиваторлар (enablers)

Бу шахс учун «Дамас»/автобус келишини кутмасдан, ўз маҳалласида давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишилик мухимдир. Шунингдек унга накд пулда тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўлишилик ҳам мухимдир.

### Эҳтиёжлар (needs)

Бу шахс учун ўз маҳалласига мурожаат қилиши ва шу тариқа хизматдан бир мурожаатда фойдаланиши қулай бўлар эди. Жойларда кўпроқ хизматлар кўрсатилишини ва ариза натижаларини ўз вақтида берилишини хоҳлар эди.

### Тавсиялар

## 7-шахс (Сирдарё вилояти Ховос тумани)

«Сайёр давлат хизматлари манзилига бормаслик учун хизматлардан онлайн фойдаланишини ўрганишиим керак».



### Демографик хуесиятлар

Оила аъзоларининг қарамогида ва/ёки ижтимоий нафақалар ҳисобига яшайди

- Ёши: 35
- Манзил: Ховос тумани
- Иш билан таъминланниши: таъминланмаган
- Оиласаги болалар сони: икки нафар
- Маълумоти: маълумоти йўқ/ўрта
- Ўртacha даромади: 600 минг сўмдан

### Сайёр пунктларга мурожаат қилишдан мақсади (goals)

Шахсий муаммоларни ҳал килиш, хусусан маълумотномалар ва нафақалар олиш, шунингдек, маишӣ масалалар бўйича, масалан, болани мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш, ипотека кредити учун давлат субсидиясини олиш бўйича давлат хизматларига мурожаат қиласди.

### Мотиваторлар (enablers)

Идеал ҳолда, ЯИДХП орқали ёки маҳалла қўмитасида ариза бериш орқали хизматлардан фойдаланишини ўрганмоқчи. Унга, зарур бўлган хизматни кўрсатиши жараёни ҳақида телефон орқали дастлабки маслаҳат олиш муҳимдир.

### Маълумот манбалари (sources)

Дўстлар, қариндошлар ва қўни-қўшнилар, оила аъзоларидан, телевидение ва радио орқали сайёр давлат хизматлари ҳақида маълумот олади.

### Хавотирлар (frustrations)

Хизмат учун тўловнинг юқори бўлиши мумкинлигидан хавотирда. «Дамас»лар камдан-кам келишидан ва мунтазам равишда келмаслигидан, оқибатда эса туман марказига боришига тўғри келишидан хавотирда.

### Эҳтиёжлар (needs)


Хизматлардан фойдаланиш мақсадида онлайн ариза тақдим этиши учун ушбу шахс ЭРИ олиши ва ЯИДХП орқали мустакил равишида ариза тақдим этишини ўрганиши керак. Маҳалла қўмитаси орқали ариза бериш имкониятга эга бўлиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

### Тавсиялар

7-сонли шахснинг жисмоний имконияти чекланганлиги сабабли, аризаларни ЯИДХП ёки маҳалла қўмитаси орқали топшириши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу муносабат билан, олис маҳаллаларда **ДХМ агенти лавозимини жорий этиш**, шунингдек, **ногиронлиги бўлган шахслар учун ЯИДХПдан фойдаланиш бўйича тренинглар ўтказиш тавсия этилади**.

## 8-шахс (Сирдарё вилояти Ховос тумани)

«Сайёр хизматлар аҳоли учун қулай, бироқ давлат хизматларидан ЯИДХП орқали онлайн фойдаланишини оммалаштириши зарур».



**Демографик хусусиятлар**  
Фермер/мавсумий ишчи  
➤ Ёши: 26  
➤ Манзил: Ховос тумани  
➤ Иш билан таъминланниши: таъминланган  
➤ Оиласдаги болалар сони: икки нафар  
➤ Маълумоти: ўрта маҳсус  
➤ Ўртacha даромади: 1,9 млн. сўм

**Маълумот манбалари (sources)**  
Маҳалла қўмитаси ходимлари, танишлар, қариндошлар ва қўни-қўшнилардан, шунингдек, интернет тармоғи орқали маълумот олади.

**Хавотирлар (frustrations)**  
«Дамас»да жиҳозлар етишмаслиги сабабли хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмаса, туман марказига мурожаат қилишга мажбур бўлишликдан хавотирда. Шунингдек, хизмат учун тўлов юкори бўлишидан, хизматни кўрсатиш жараёни ортиқча бюрократияга олиб келишидан хавотирда. Ҳар доим ҳам онлайн тарзда ариза бера олмаслигидан норози.

**Тавсиялар**  
9-сонли шахсга давлат хизматларидан онлайн тарзда фойдаланиш қулайроқ бўлар эди, бу эса интернетга уланиш сифатини яхшилашни талаб қиласди. Сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг амалдаги тизимиға келсак, **маҳаллага автобус/«Дамас»лар орқали қатновни қўпайтириш тавсия этилади**. Ушбу шахсга хизматларни тўлақонли кўрсатиш учун олис маҳаллаларда мустакил давлат хизматлари кўрсатувчи сифатида фаолият юрита олиши учун «Дамас»ларни зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш ҳам тавсия этилади.

### Сайёр пунктларга мурожаат қилишдан мақсади (goals)

Шахсий ва уй хўжалиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мақсадида давлат хизматларига мурожаат қиласди. Масалан, болани болалар боғчасига жойлаштириш, коммунал тармокларга уланиш, маълумотномалар олиш.

### Мотиваторлар (enablers)

Идеал ҳолда, ЯИДХП орқали хизматлардан фойдаланаар эдим. Сайёр давлат хизматларидан фойдаланишда «Дамас»ларнинг жиҳозлари барча талаб қилинадиган хизматларни кўрсатиш учун имкон беришлиги муҳимдир. Терминал орқали тўловни амалга ошириш имконияти борлиги ҳам муҳимдир.

### Эҳтиёжлар (needs)

«Дамас»/автобусларнинг ташрифи тез-тез амалга оширилиши талаб қилинади. Шунингдек, хизмат кўрсатиш жараёнида операторларнинг янада самарали ишлаши зарурдир.

## **6 Сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг амалдаги тизимини таҳлил қилиш**

Президентнинг 2020 йил 31 январдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5930-сонли фармонига<sup>9</sup> асосан шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда Давлат хизматлари кўрсатиш марказлари филиалларини босқичма-босқич ташкил этиш белгиланган. Филиалларнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- жисмоний ва юридик шахсларга кенг қамровли давлат хизматларини, шу жумладан мобил (сайёр) давлат хизматларини кўрсатиш;
- фуқароларнинг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш маданиятини ошириш, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланишнинг бошланғич кўниқмалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- тегишли ҳудуд аҳолисини кўрсатиладиган давлат хизматлари ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориш.

Мобил (сайёр) хизматлар маҳаллалар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларга автотранспорт воситаларда - жиҳозланган автобус ёки «Дамас» - ташриф буюриш орқали кўрсатилади. Автобуслар Давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда ДХА), «Дамаслар» – Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда ДХМ) ва уларнинг филиаллари томонидан тақдим этилади.

Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ушбу тизимларни мувофиқлаштириш механизми тўлиқонли аниқ эмас. Амалдаги қонунчиликда сайёр давлат хизматлари тушунчаси ва улар нима эканлиги аниқланмаган. Бинобарин, автобуслар ва «Дамас»ларнинг аниқ мақсад ва вазифалари, шунингдек, уларнинг ўзаро таъсир қилиши принципи мавжуд эмас. ДХА ҳудудий бошқармалари вакилларининг сўзларига кўра, автобус ва «Дамас» маҳаллага бирга жўнаб кетаётгани таҳмин қилинса-да, аслида эса ахоли сўрови натижаларига кўра бундай бўлмайди. Тасдиқланган жадвалларда автобуслар ва «Дамас»лар ўртасидаги мувофиқлаштириш яхши эмаслиги ҳам аниқланган, чунки уларнинг жадваллари бир-бирига мос келмайди. Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш тизими ушбу жараён қандай ўтиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган ҳолда парчаланиб кетган кўринади. Бинобарин, сайёр давлат хизматларини кўрсатишни ривожлантириш бўйича ҳам мақсад ва/ёки режалар мавжуд эмас.

### **6.1 Сирдарё вилояти Ховос тумани**

#### **6.1.1 Сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг амалдаги тизими ҳақида умумий маълумот**

Сирдарё вилояти ДХА ҳудудий бошқармалари, Ховос тумани ДХМ ҳамда маҳалла қўмиталари вакиллари билан ўтказилган суҳбатлар натижаларига кўра, ушбу тумандаги аҳолига сайёр давлат хизматини кўрсатиш тизими ҳақида бир қатор хulosалар қилиш мумкин.

Сирдарё вилояти ДХА ихтиёрида, зарур ҳолларда автоном электр таъминотини таъминлаш учун қўёш батареялари билан жиҳозланган, бир дона автобус мавжуд. Сайёр хизматларни кўрсатиш учун автобусда ноутбук, интернет алоқаси, LED дисплей, принтер ва сканер

<sup>9</sup> <https://lex.uz/docs/4720391>.

мавжуд. Бундан ташқари, автобус фукаролар учун ўриндиқлар, икки-уч оператор учун иш жойлари ва касса билан жиҳозланган. Аҳоли Ховос туман ДХМга мурожаат қилиб фойдаланиш мумкин бўлган барча давлат хизматларидан автобусда фойдаланиши мумкин.

Сирдарё вилоятининг ҳар бир туман ДХМга бир донадан «Дамас» ажратилган. Вилоятда жами 11 дона «Дамас» мавжуд. Ховос тумани ДХМ ихтиёрида бир дона «Дамас» мавжуд бўлиб, унда ДХМ ходимлари маҳаллаларга бориб, аҳолига хизмат қўрсатадилар. Автобуслардан фарқли ўлароқ, «Дамас» умуман жиҳозланмаган ва ДХМ операторлари учун транспорт сифатида фойдаланилади. Айрим туманларда операторлар туман ДХМ томонидан тақдим этилган ноутбук билан сафарга чиқишилари мумкин.

Автобус Ховос туманинг олис маҳаллаларига жўнаб кетса, автобус ва «Дамас» биргаликда ишлайди деб тахмин қилинмоқда. Автобус Сирдарё вилояти ДХА худудий бошқармасидан манзилга жўнаб, техник жиҳозлар билан таъминлайди, операторлар «Дамас»да туман ДХМдан жўнаб, ушбу олис маҳалла аҳолисига хизмат қўрсатмоқда. Бироқ, биргаликда ташрифлар жуда кам амалга оширилади.

«Дамас» ҳар олти ойга тузиладиган тасдиқланган жадвал асосида олис маҳаллалар/қишлоқларга боради. Олинган маълумотларга кўра, автобуслар жадвали бўйича маълумотлар фарқ қиласи. Шундай қилиб, ДХА вакилларининг маълумотларига кўра, автобуслар тасдиқланган жадвал бўйича йўлга чиқади. Улар келишидан олдин маҳалла қўмитаси вакилларини хабардор қилиб, об-ҳаво шароитига қараб соат 9:00 дан 19:00 гача маҳаллада бўлдилар. Маҳаллий маслаҳатчининг сўзларига кўра, автобусларнинг расмий жадвали мавжуд эмас ва уларнинг маҳаллаларга ташрифлари тўрт нафар сектор раҳбарларининг йирик сайёр қабуллари доирасида бўлиб ўтади.

Ташриф пайтида ўртacha 20 кишига хизмат қўрсатилади.

**«Дамас»нинг техник жиҳозланиши уларга барча мавжуд давлат хизматларини жойларда мустақил равишда қўрсатиш имконини бермайди.**

#### 6.1.2 Ташрифлар жадвали ва мунтазамлиги

Сирдарё вилоятининг Ховос туманида автобус қатнови жадвали мавжуд эмас. Тўрт нафар сектор (хокимиёт, прокуратура, солиқ қўмита, Ички ишлар вазирлиги) раҳбарларининг жойларда бўлиб ўтадиган йирик сайёр қабуллари билан бир вақтда ёки ҳар ярим йилда бир марта туман маҳаллаларига бориши ёки умуман бормаслиги мумкин. Ховос туманидаги пилот маҳаллаларига ташрифлар, сўровлар, сухбатлар ўтказиш чоғида аҳоли ва маҳалла вакиллари автобусни ҳеч қачон учратмаганликлари, унинг мавжудлигидан бехабар бўлганликлари тўғрисида таассурот пайдо бўлди. Шу тариқа, ДХМ вакилларининг айтишича Оқчангаль маҳалласига автобус бутун давр мобайнида бир маротаба келган бўлса, «Дамас»лар маҳаллага ойига 1 мартадан 3 марта гача ташриф буюриши мумкин.


Маҳаллага автобуссиз келинса, аҳолига давлат хизматларини қўрсатишда операторлар жиддий тўсиқларга дуч келиши мумкин. Ўзининг интернет алоқаси ва оргтехникиси йўқлиги учун интернетга уланиш имкониятини, принтер, сканер, баъзи ҳолларда компьютерни маҳалла қўмитаси ёки мактабдан излашга мажбур бўлади. Принтер ёки сканерсиз бажариб бўлмайдиган, талаб қилинадиган хужжатлар ва жараёнларнинг кўплиги туфайли баъзи хизматлар жойларда кўрсата олинмайди. Натижада «Дамас» маҳаллаларга ташриф буюрганда ДХМ орқали республикада мавжуд бўлган рўйхатдаги ҳамма давлат

хизматларини кўрсатиш имкониятига эга бўлмайди. Маҳалла қўмиталарининг техник жиҳозланиши операторларга жойларда хизмат кўрсатиш имконини берса, аризалар жойларда рўйхатга олинади. Яъни, маҳалла қўмитаси биносида компьютер, интернет, принтер мавжуд бўлса, операторлар аҳолига хизмат кўрсатадилар. Ариза берувчилар аризаларни жойида топширадилар ва жавоб туман ДХМдан олинади. ДХМ ходимларининг таъкидлашича, агар ариза берувчининг аризасига жавоб кейинги маҳаллага ташриф пайтига тайёр бўлса, операторлар жавобни ўzlари билан олиб келадилар.

«Дамас» ташриф жадвалига келсак, Ховос туманида 27 та маҳалла мавжуд бўлиб, шундан 10 таси олис ҳисобланади (маъмурий марказдан 30 кмдан ортиқ). Тасдиқланган жадвалга мувофиқ ҳар бир маҳаллага тахминан ярим йилда бир марта ташриф буюрилади. Бироқ, айrim маҳаллаларга йилига бир марта ташриф буюрилади (1-жадвал). Икки pilot маҳалла – Оқчанғал, Ўзбекистон тўкилинчилигига 2 марта, Бинокорга 1 марта ташриф буюрилган. Оқчанғал маҳалла вакиллари кўпроқ, масалан, ҳафтада бир марта, ташриф буюриш зарурлигини таъкидламоқдалар.

Йил давомида ташрифлар сони нотекис тақсимланган (1-расмга қаранг). Шундай қилиб, ташрифларнинг аксарияти баҳор ойларига тўғри келади. «Дамас»лар ойига ўртacha 3 марта ташриф буюради.

**1-расм. «Дамас»ларнинг йил давомидаги ташрифлар сони динамикаси**



Жадвалга кўра, Бунёдкор, Дўстлик, Етти гузор, Истиқлол, Карвонсарой, Тинчлик, Чаманзор маҳаллалари шаҳар маҳаллалари ҳисобланиб, уларга ташриф буюрилмайди. Бироқ, фақат Нурли келажак шаҳар маҳалласи бошқа шаҳар маҳаллаларига нисбатан маъмурий марказдан узокроқда жойлашганлиги учун ташриф буюрилади.

Режалаштирилган ташриф жадвалидан ташқари, юқори ташкилотлар (хокимиёт, ДХА маъмурияти) буюртмасига кўра йилига 7-8 та олис пунктларга норасмий ташрифлар ҳам ташкил этилади. Бундай ташрифлар учун жадвал мавжуд эмас. Бундан ташқари, ДХМ филиаллари олис ҳудудларда очилиб, ушбу жойларга операторлар ҳам юборилади.

**Расмий автобуслар ташриф жадвали йүқлиги сабабли амалдаги тизим қайта күриб чиқилиши керак. Махаллаларга ташриф жадвалини қайта күриб чиқиш ва уни ойлар бўйича бир текис тақсимлаш зарур.**

**1-жадвал. Сирдарё вилояти Ховос тумани махаллаларига «Дамас»ларнинг ташрифи жадвали**

Махалла	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Январь
<i>Афросиёб</i>	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Бинокор</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✓	✗	✗
<i>Бунёдкор</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Бўстон</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✓	✗	✗
<i>Гулбаҳор</i>	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Дўстлик</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Етти гузар</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Истиқлол</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Карвонсарой</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Қайирма</i>	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Қаҳрамон</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Қорақум</i>	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗
<i>Мустақиллик</i>	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Мустақилликнинг 25 йиллиги</i>	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Нурли келажак</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Обод турмуши</i>	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Оқчанғал</i>	✗	✗	✗	✓	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗

<i>Пахтакор</i>	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✓	✗
<i>Соҳибкор</i>	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Тинчлик</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Ўзбекистон тўкинчилиги</i>	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Фарҳод</i>	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Хавособод</i>	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Хуснобод</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗
<i>Чаманзор</i>	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Шарқобод</i>	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗
<i>Янгиер</i>	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✗	✓	✗

### **6.1.3 Аҳолини огоҳлантириш ва аҳоли билан мулоқотда бўлиш**

«Дамас»ларнинг маҳаллага ташрифлари ҳақида маълумот маҳалла қўмитаси вакилларига етказилади ва улар аҳолини хабардор қиласидилар. Оқчангалик маҳалласининг маҳалла қўмитаси вакилларида «Дамас»нинг қатнов жадвалий йўқ, шунинг учун улар ДХМ томонидан келганликлари ҳақида маълумот олишлари билан аҳолини хабардор қиласидилар.

«Дамас» келиши ҳақида маҳалла вакилларидан ташқари аҳолини кўча етакчилари ҳам огоҳлантирмоқдалар. Бунинг учун кўча радиоэшиттиришидан фойдаланиш ҳам таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, сафарнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш борасида ДХМ вакиллари келишидан олдин зарур хизматлар сонини дастлабки баҳолаш учун маҳалла қўмиталари раислари билан боғланадилар. Маҳалла қўмиталари раислари аҳолидан «Дамас»/автобуслар келиши зарурлиги ҳақида сўрайдилар ёки бўлажак ариза берувчиларни (масалан, фермерларни) олдиндан топадилар. Хизматлар маҳалла қўмитаси ёки мактабда кўрсатилади. Етиб келгач, операторлар эрталабдан тушликтагача маҳаллада бўлиб, 10-15 та аризани қабул қилишга улгурадилар. Барча аризалар бир ташрифда қабул қилинади.

Баъзан аҳолидан давлат хизматлари билан боғлиқ бўлмаган мурожаат ёки шикоятлар ҳам тушади (электр таъминотининг сифатсизлиги, йўлларнинг бузуқлиги ва ҳ.к.). Бундай масалаларни ҳал қилиш бўйича оммавий ахборот воситалари, масалан, телевидение, радио орқали аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш зарур.

Гендер нуқтаи назаридан қаралса, уй-рўзгор масалалари билан шуғулланадиган ўрта ёшли аёллар сайёр хизматлардан кўпроқ фойдаланадилар. Давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича хабардорлик даражасининг пастлиги сабабли, айрим фуқаролар давлат хизматларидан онлайн фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги ҳақида билмайдилар. Бундан ташқари, маҳалла қўмитасида реклама баннерлари, инфографикаларни жойлаштириш орқали аҳолининг давлат хизматларидан хабардорлигини ошириш зарурлиги қайд этилган.

**«Дамас» ташрифлари самарадорлигини ошириш учун маҳаллалар вакиллари «Дамас»нинг ташриф буюриш жадвалига ва ташрифлар вақтига эга бўлиб, аҳолини олдиндан хабардор қилишлари керак. Шунингдек, аҳолининг давлат хизматларидан онлайн тарзда фойдаланиш имкониятлари ҳақида хабардорлигини ошириш талаб этилади. Аҳоли билан мулоқотлар ташкил этиш орқали сайёр хизматларга бўлган эҳтиёжни мониторинг қилиш амалиётини жорий этиш тавсия этилади.**

### **6.1.4 Сайёр давлат хизматлари учун тўловларни амалга ошириш**

Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш жараённида жойларда хизматлар учун тўловни амалга оширишда ҳам қийинчиликлар мавжуд, чунки ДХМнинг фақат бир нафар ходими тўловни қабул қилиши ва кассир функциясини бажариши мумкин. Шунинг учун, агар кассир «Дамас» билан кетса, ДХМда тўловларни қабул қилиш ва амалга ошириш хукуқига эга бўлган ходим қолмайди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жойлардаги ариза берувчиларга, хизматлар учун тўловни Raynet ёки банк кассаси орқали амалга оширишлари тавсия этилади. Камдан кам ҳолларда операторлардан бирига жойлардаги тўловни қабул қилиш имконияти берилади.


Шунингдек, ахолига давлат хизматлари учун тўловни амалга ошириш, хизматларнинг белгиланганлиги ёки қимматлиги туфайли қийинчилик келтириб чиқармоқда. Маҳалла вакиллари ахолининг айрим қатламлари, масалан, «Аёллар дафтарчаси»га киритилган аёллар учун давлат хизматларининг имтиёзли нархини белгилаш таклифини илгари сурдилар.

#### 6.1.5 Сайёр хизматларни кўрсатишида «Дамас»/автобусларнинг бюджети ва харажатлари<sup>10</sup>

Сирдарё вилояти бўйича ДХА автобусларининг сайёр ташрифлар бюджети бир йилда бир марта тузилади ва у асосида ҳар бир туман бўйича харажатлар лимити тасдиқланади. 2021 йилда Сирдарё вилоятида харажат лимити 11 миллион 530 минг сўмни ташкил қилди. Вилоятда 11 та туман мавжудлиги ҳисобга олинса, Ховос туманининг йиллик бюджети 1 миллион 48 минг сўмни ташкил қилди.

ДХА ходимларининг таъкидлашича<sup>11</sup>, автобус ҳар ойда бир марта вилоятнинг ҳар бир туманига, яъни **Ховос туманига бир йилда бир марта ташриф буюради**. Демак, бир автобус қатнови учун ажратиладиган маблағ 1 миллион 48 минг сўмни ташкил қиласди. Бу миқдорга ёнилғи харажатлари, иккита техник кўрик, бир йил учун суғурта, йилига бир марта қуёш батареясининг ҳолатини текшириш ва йилига олти мартагача баллонларни алмаштириш киради (2-жадвалга қаранг). Ушбу миқдорнинг деярли 47%и баллонларни алмаштиришга, 32%и ёқилғига сарфланади. Бюджетнинг 13%и қуёш батареясининг ҳолатини текширишга, 7%и техник кўриқдан ўтказишга ва 1,3%и суғуртага сарфланади (2-расмга қаранг).

**2-расм. Ховос туманида автобус харажатларининг тақсимланиши**



<sup>10</sup> Автобуслар ва «Дамаслар»нинг бюджетлари ҳақидаги маълумотларни БМТТДнинг жойдаги консультантни – АРГОСнинг Сирдарё бўлими ходими тарафидан тақдим этилди.

<sup>11</sup> Ўрганиш шуни кўрсатдики, автобус амалда пилот маҳаллаларга бормайди, фақат дала ташрифларида биргаликда келади.

**2-жадвал. Автобусга сарфланадиган тахминий харажатлар, Сирдарё вилояти Ховос тумани**

<b>Номи</b>	<b>Умумий сони</b>	<b>Бирлик нархи</b>	<b>Жами ойига</b>
Ёқилғи сарфи, л (хар 100 км 16 литр, ойига 227 км)	33,5	10 000	334 545
Техник кўриқдан ўтказиш (мотор мойи ва фильтрларни алмаштириш ва ҳ.к.)	Йилига 2 марта	36 364	72 727
Суғурта	Йилига 1 марта	13 636	13 636
Қуёш панели ҳолатини текшириш	Йилига 1 марта	136 364	136 364
Баллон алмаштириш (70 000 км дан кейин) <sup>12</sup>	Йилига 6 марта	81 818	490 909
<b>Бир ташриф учун умумий миқдор</b>			<b>1 048 182</b>

Шунингдек, харажатлар сметасига тиббий ниқблар, антисептиклар, баннерлар ва реклама материаллари киради, ёқилғи харажатлари бундан мустасно. Шундай қилиб, ушбу маълумотлар ҳисобга олинса, Ховос туманига ташриф буюриш учун автобусга сарфланадиган умумий харажатлар қарийб 1,5 миллион сўмга ошади, унинг 84%и реклама материалларига сарфланади. 2-жадвалдаги жами суммаси 2 миллион 600 минг сўмни ташкил этади.

Маҳаллалар маъмурий марказдан турли масофада жойлашганлиги сабабли ёқилғи сарфи ҳар хил бўлади. Пилот маҳаллалар – Оқчангал, Ўзбекистон тўкинчилиги ва Бинокор маҳаллалари Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги ДХАдан мос равища 52, 59 ва 60 км масофада жойлашган. Автобуснинг ёқилғи сарфи ҳар 100 км учун 16 литрни ташкил қиласди. Шундай қилиб, икки йўналишда автобусга ёнилғига сарфланагидан харажат Оқчангалга тахминан 166 минг сўмни (ёнилғи нархининг 50%), Ўзбекистон тўкинчилиигига 189 минг сўмни (56%), Бинокорга эса 192 минг сўмни ташкил этади (57 %).


<sup>12</sup> Шиналарни алмаштириш харажатлари йиллик асосда берилган.

Бу шуни англатади, харажатларни мақбуллаштириш натижасида автобуслар энг олис маҳаллаларга, масалан, Бинокорга ойига 2 марта ташриф буюриши мумкин. Харажатларнинг салмоқли қисми реклама материалларига сарфланишига қарамай, аҳоли учун асосий ахборот манбаи бўлиб реклама материаллари орқали олинган маълумот эмас балки оғзаки хабарлашув хисобланади.

«Дамас»нинг харажатлар сметаси ҳам Сирдарё вилоятида мавжуд 11 та «Дамас» учун бир йил муддатга ДХА томонидан тасдиқланади. Ховос тумани ДХМ вакиллари «Дамас»нинг харажатлар сметасини тузишда иштирок этмайдилар ва ДХМ вакилининг сўзларига кўра «Дамас»нинг ойлик юриш лимитидан ташқари – тахминан 2000 км – харажатлари тафсилотлари ҳақида хабардор эмаслар. Ховос туманининг ДХМ сайёр хизматлари учун ДХА барча харажатларини қоплади, ёқилғи харажатлари ёқилғи қуиши шохобчаси билан шартнома тузиш орқали қопланади.

Тақдим этилган харажатлар сметасига кўра, битта «Дамас» учун йилига 7 миллион 720 минг сўм сарфланади. Бу миқдорга ёқилғи харажатлари, техник кўриқдан ўтиш (йилига тўрт марта), бир йил давомида суғурта қилиш, йилига тўрт марта баллонларни алмаштириш киради. Харажатларнинг асосий қисми ёқилғи учун 62%, баллон алмаштириш - деярли 21%, техник кўриқдан ўтказиш - деярли 16%, суғурта - 2% (3-расмга қаранг).

**3-расм. Ховос туманидаги «Дамас» харажатларининг тақсимланиши**



**3-жадвал. Сирдарё вилояти Ховос туманидаги «Дамас» учун харажатлар сметаси**

Номи	Умумий сони	Бирлик нархи	Жами ойига
Ёқилғи сарфи, м <sup>3</sup>	160	2 500	400 000,00

Техник кўриқдан ўтказиш (мотор мойи ва фильтрларни алмаштириш ва х.к.)	Йилига 4 марта	25 000	100 000
Суғурта	Йилига 1 марта	10 000	10 000
Баллон алмаштириш (70 000 км дан кейин)	Йилига 4 марта	33 333	133 333
<b><i>Бир ташриф учун умумий миқдор</i></b>			<b><i>643 333</i></b>

Ёқилғи лимити ҳар чорақда тақсимланади ва ҳар ойнинг охирида ҳақиқий ёқилғи сарфи таҳлил қилинади. Демак, 2021 йилда Ховос туманида «Дамас»нинг чораклик ёқилғи лимити 480 кубометрни, бир ойда эса 160 кубометрни ташкил этади. «Дамас»нинг 100 км юриши учун ҳақиқий ўртacha газ истеъмоли 8,3 кубометрни ташкил қилади<sup>13</sup>. Шундай қилиб, ҳар ойда «Дамас» 2092 кмгача йўл босиб ўтиши мумкин. Бунда «Дамас»га ёнилғи қувиш 400 минг сўмга тушади<sup>14</sup>.

**Бироқ, амалдаги ёқилғи сарфи бюджет маблағлари тўлиқ сарфланмаётганидан далолат беради.** Тасдиқланган жадвалга кўра, 2021 йилда «Дамас» Ховос туманига ўртacha ойига 3 марта ташриф буюрган. Демак, бир сафар учун ажратиладиган бюджет тахминан 133 минг сўмни ташкил этади. Ховос тумани ДХМдан энг олис пилот маҳаллаларгача бўлган масофа 28 км (Оқчанғал), 28 км (Ўзбекистон тўкинчилиги) ва 38 км (Бинокор). 100 км масофани босиб ўтиш учун ўртacha газ сарфидан келиб чиқсан ҳолда, икки йўналишда ёқилғи сарфи мос равишда тахминан 11 ва 16 минг сўмни ёки бир йўл учун ёқилғи сарфи тахминан 9 ва 12%ини ташкил қилади.


Қатнов нархини 2021 йилдаги «Дамас»нинг максимал ташрифлар сонидан келиб чиқиб ҳисобласак – масалан, апрель ойида Қайирма (23 км), Шарқбод (25 км), Соҳибкор (26 км), Қоракум (27 км) ва Мустақиллик (20 км) маҳаллаларига 5 марта. Бунда бир ташрифнинг ёқилғи сарфи 80 минг сўмга teng келади. Юқорида қайд этилган маҳаллаларнинг ҳар бирига икки йўналишда ёнилғи сарфи бир йўналиш ёқилғисининг 14%идан ошмайди.

Ховос тумандаги «Дамас»ларнинг молиялаштирилган ва амалдаги истеъмол қилинган ёқилғи харажатлари тўғрисидаги маълумотларга кўра (3-расмга қаранг), 2021 йилнинг етти ойи давомида ажратилган 1120 кубометр газ ўрнига 364 кубометрни ўзлаштирилган, демак сайёр давлат хизматларини кўрсатишга ёқилғи харажатлари учун ажратилган маблағларнинг деярли 68%и ўзлаштирилмаган. Яъни, «Дамас»лар пилот маҳаллаларга қатнов жараёнида ойлик бюджетнинг 32%идан кўп бўлмаган маблағни сарфлайди, бу эса ҳар ойда қатновлар сонини ошириш имконини беради.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги «Ўзавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат үнитар корхонаси ҳисоб-китобларига кўра, 2019 йил.

<sup>14</sup> 1 м<sup>3</sup> = 2500 сўм ҳисобида.

**3-расм. Ховос туманидаги «Дамас»нинг молиялаштирилган ва амалдаги харажатлари**



## 6.2 Жиззах вилояти Бахмал тумани

### 6.2.1 Сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг амалдаги тизими ҳақида умумий маълумот

Сайёр хизматларни кўрсатишнинг амалдаги ҳолати ва сифатини ўрганиш мақсадида Жиззах вилояти ДХА бошқармаси вакиллари, Ўсмат шаҳар ДХМ директори, шунингдек, олис маҳаллалар раислари билан сұхбатлар үтказилди.

Жиззах вилояти ДХА бошқармасида 2 та автобус<sup>15</sup>, Бахмал тумани ДХМда эса 1 та «Дамас» мавжуд. Автобусларнинг «Дамас»дан асосий фарқи шундаки, автобус қуёш батареялари, ўриндиқлар ва касса, LED дисплей, Wi-Fi уланиши, принтер, ноутбук каби техник ечимлар билан жиҳозланган. Бахмал тумани ДХМ вакилларининг сўзларига кўра, «Дамас»лар техник жиҳозларсиз келади, бироқ «Дамаслар» ҳам, автобуслар ҳам республикада ҳозирда кўрсатилаётган 157 турдаги давлат хизматларини кўрсатишлари шарт. «Дамас»ларда маҳаллаларга келган операторлар учун зарур техник жиҳозлар йўқлиги сабабли давлат хизматларини кўрсатиш мураккаблашиши мумкин. Бундан ташқари, «Дамас»лар сайёр хизматларни кўрсатишдан ташқари, давлат органлари томонидан жойларда ташкиллаштирилган сайёр қабуллар жараёнида ҳам ташриф буюради. «Дамас»нинг автобусдан яна бир фарқи шундаки, «Дамас» тез-тез қатнов ташкил қилиш учун анча мослашувчан хисобланади, автобус ташрифлари эса давлат идоралари томонидан йирик тадбирлар вақтида ташкил этилади. Шунингдек, туман ДХМ томонидан «Дамас»лар ҳаракати ва кўрсатилаётган хизматлар ҳақида маълумот берилди.

Сайёр хизматлар эрталабдан то охирги ариза бажарилгунига қадар, тахминан кечки соат тўртгача кўрсатилади. Асосан, олис маҳаллаларда яшовчилар «Жисмоний шахслар учун солиқ тўловчининг идентификацион рақамини (СТИР) олиш», «20 кВт гача электр тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш» ва «Янги тадбиркорлик субъектини

<sup>15</sup> Бироқ ўрганиш давомида иккинчи автобуснинг мавжудлиги айтилмаган. Жадвал ва бюджет битта автобус учун кўрсатилган.

давлат рўйхатидан ўтказиш» хизматларидан фойдаланадилар. Болани мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш хизмати муаммоли бўлмоқда. Лицензиялаш ва қурилиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш қийинрокдир.

Сұхбатлар давомида олис маҳаллаларнинг ахолиси кўрсатилаётган хизматлар, операторларнинг малакаси, хизматлар кўрсатиш учун яратилган шарт-шароитлар ва «Дамас»ларда зарур жиҳозларнинг мавжудлигидан мамнун эканликлари маълум бўлди. Баъзилар эса керакли хизматлардан фойдаланиш учун «Дамас»ларнинг жиҳозланишини яхшилаш керак деб ҳисоблади. Баъзи фуқаролар «Дамас»ларнинг маҳаллаларга ташрифлари кўпайишини хоҳлайдилар.

**«Дамас»ларни, мавжуд барча давлат хизматларини мустақил равишида кўрсатишлари учун жиҳозлаш зарур. Аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнидан хабардор бўлиши учун ДХМ билан олис маҳаллалардаги аҳоли ўртасида алоқа даражасини ошириш ва маслаҳатлашувлар ўтказиш зарур.**

#### 6.2.2 Ташрифлар жадвали ва мунтазамлиги

Жиззах вилояти Бахмал туманида «Дамас» ва автобуснинг йиллик жадвали тақдим этилган. Жадвалга кўра, Жиззах вилоятида автобуслар ҳар ойда бир қишлоқ ёки бир маҳаллага қатнайди. Автобуслар йилига 12 қатновни амалга оширади. 2021 йилда автобуслар Бахмал туманига бир марта – 27 февраль куни Ойқор қишлоғига келган.

2021 йилда тасдиқланган жадвалга асосан ДХМнинг «Дамас»лари Бахмал туманидаги 20 та маҳалла ва қишлоқларга йилига тўрт марта ташриф буюрган. Буларга Ўсмат (маъмурий марказ), Дўстлик, Оқтош, Сарой, Кутлуғобод, Бахмал, Музбулоқ, Сангзор, Нушкент, Фаллакон, Мугол, Новқа, Ойқор, Боғишамол, Фидокор, Барлос, Тонготар, Нурафшон, Янгибоғ, Гулбулоқ киради. Шундай килиб, ушбу маҳалла/қишлоқларнинг ҳар бирига ҳар уч ойда бир марта ташриф буюрилади (3-расмга қаранг). Пилот маҳаллаларга келсак, 2021 йилда «Дамас»лар февраль, май ва август ойлари бошида Музбулоқка борган. Охирги ташриф 2021 йил ноябрь ойига режалаштирилган. Ойқор қишлоғига март ойининг боши ва июнь ойининг бошларида «Дамас»лар ташриф буюрган. Кейинги 2 та ташриф сентябрь ва декабрь ойларининг бошларига режалаштирилган.

Яна 10 та маҳалла ва/ёки қишлоқларга йилига уч марта – Навбаҳор, Бунёдкор, Шодлик, Узунбулоқ, Мустақиллик, Маданият, Ватанпарвар, Темирқадам, Ўрмончи ҳамда Молгузар пилот маҳалласига – ташриф буюрилди. Молгузар пилот маҳалласига апрель ойининг охири ва июнь ойининг охирида ДХМ операторлари ташриф буюрганлар. Охирги ташриф октябрь ойининг охирига режалаштирилган.

Бахмал туманига «Дамас» ҳар ойда ўртача 10 марта қатнайди. Маҳаллаларга ташрифлар жараёнида аҳолини давлат хизматларидан хабардор қилиш мақсадида баннерлар, брошюралар тайёрланмоқда.

ДХМ вакилининг айтишича, сайёр қабуллар ҳар ойда 3-4 марта, таҳминан ҳафтада бир марта шанба кунлари ўтказилади. Шунингдек, ташфирлар «Обод қишлоқ» дастури бўйича ва туман ҳокими (чорақда ёки ярим йилда бир марта) ёки 4 та сектор (прокуратура, солик қўмитаси, хокимият ва ички ишлар бошқармаси) раҳбарларининг қабул кунларида ҳам

амалга оширилиши мумкин. Бундай сайёр қабулларда жойларда давлат хизматларини күрсатиш учун мурожаат қилган фуқаролар ўз муаммоларини ҳал этиши ва сайёр хизматлардан фойдаланиши мумкин. Қўшимча ташрифлар асосан «Обод қишлоқ» дастурига киритилган маҳаллаларга (масалан, Барлос ва Бахмал маҳаллалари, гарчи у ерда ДХМ филиали жойлашган бўлса ҳам) амалга оширилди. Жадвалга кўра, мобил (сайёр) хизматлар нафақат олис маҳаллаларда, балки яқин маҳаллаларда ҳам кўрсатилиб, Бахмал туманидаги барча маҳаллалар қамраб олинган.

Қайд этиш жоизки, Музбулоқ маҳалласида «Дамас»дан ташқари олис маҳаллаларда сайёр хизматлар кўрсатиш учун енгил автомашина ҳам ташкил этилган.

**Шу тариқа, «Дамас»/автобуслар бошқа давлат дастурлари бўйича белгиланган жадвалдан ташқари, туман марказига чегарадош, якинда жойлашгаш маҳаллаларга ҳам қатнайди. Бундай қатновлар олис маҳаллалардаги аҳоли учун давлат хизматларини қамраб олишни таъминлашдан иборат мақсадга эга сайёр хизматларни кўрсатиш таркибиға кирмайди.**

**4-жадвал. Жиззах вилояти Бахмал туманидаги маҳаллаларга «Дамас»нинг ташриф жадвали.**

		Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
1	Ўсмат	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗
2	Дўстлик	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗
3	Оқтош	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗
4	Сарой	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗
5	Кутлугобод	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗
6	Бахмал	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗
7	Музбулоқ	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗
8	Сангзор	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗
9	Нушкент	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗
10	Фаллакон	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗
11	Мугол	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓
12	Новқа	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓
13	Ойкор	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓
14	Боғишамол	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓
15	Фидокор	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓
16	Барлос	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓
17	Тонготар	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓

18	Нурафшон	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓
19	Янгибог'	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓
20	Гулбулоқ	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗	✓
21	Навбаҳор	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗
22	Бунёдкор	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗
23	Шодлик	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗
24	Узунбулоқ	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗
25	Мустақиллик	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗
26	Маданият	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗
27	Ватанпарвар	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗
28	Темирқадам	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗
29	Ўрмончи	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗
30	Молгузар	✗	✗	✓	✗	✗	✗	✓	✗	✗	✓	✗	✗

### 6.2.3 Аҳолини огоҳлантириш ва аҳоли билан мулоқотда бўлиш

ДХМ вакилларининг тъкидлашича, «Дамас»ларнинг сайёр қабул жадвали жойларда сайёр хизматларни кўрсатиш бўйича ДХА вилоят бошқармаси томонидан, шунингдек, туман ҳокимининг ўринбосари ҳисобланадиган Бахмал тумани маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиғи ҳамда ДХА директори ва туман ФХДЁ бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланган тартиб асосида ҳамда кўмагида тузилган. Шундан сўнг ушбу жадвал вилоят бошқармаси (ДХА Жиззах вилояти бошқармаси) томонидан тасдиқланади, сўнгра ДХА марказий аппарати томонидан тасдиқланади. Амалда эса туман ДХМ вакиллари билан «Дамас»/автобусларнинг режадан ташқари ташриф буюришларини келишиш мақсадида маҳаллалар раислари ёки мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари боғланган ҳолатлар ҳам мавжуд. Шунингдек, ДХМ директори маълум бир хизмат турига талаб юқори бўлган ҳолат бўйича марказни хабардор қилишликлари ҳақида маҳалла раисларини огоҳлантиради.

Суҳбат чоғида маҳаллага «Дамас»/автобусларнинг қатнов жадвали тақдим қилинмагани ҳам маълум бўлди, яъни маҳалла раислари уларнинг қачон келиши кераклиги ҳақида маълумотга эга эмаслар. «Дамас»/автобуслар маҳаллага келиши тўғрисида аҳоли маҳалла фаоллари (ижтимоий фаоллар) орқали хабардор қилинади, уларга қўчма пунктлар бевосита келганидан сўнг аҳолини хабардор қилиш топширилади.

Шундай қилиб, Музбулоқ маҳалласида ДХМ вакиллари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани боис маҳалла раисида «Дамас» қатнови жадвалий ўқ. Маҳалла аҳолисидан талаб ёки аризалар кўп бўлса, маҳалла раиси ДХМ вакилларига қўнғироқ қилиб, «Дамас»ни маҳаллага чақириши мумкин. Бундай ҳолатлар фермерлар билан содир бўлган: ДХМ директорининг сўзларига кўра, 50 нафар фермер ер участкаларини олганлиги туфайли, уларни хусусий мулк сифатида рўйхатдан ўтказиш керак бўлган. Бундан ташқари, 120 та уй хўжаликка артезиан қудуклари қазилганлиги боис, сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилишга руҳсатнома (ер ости сув объектларидан)<sup>16</sup> бериш учун сайёр қабул ташкил этилди. Одатда жойга 1 оператор, шанба куни эса 2 оператор боради.

«Дамас»ларда ноутбуқдан ташқари ҳеч қандай техник жиҳозлар мавжуд эмас. Модем йўқ. Интернетга уланиш учун мобил интернетдан фойдаланиш ва уланиш нуқтаси орқали Wi-Fi-ни тарқатиши керак. Бундан ташқари, маҳалланинг жойлашишига қараб, уяли алоқа операторларининг қамров зонаси ўзгаради, шунинг учун оператор одатда 2-3 та СИМ-картага эга. Сайёр давлат хизматларини кўрсатишда операторларга сайёр хизматларни кўрсатиш учун паст вольтли принтер, ноутбук ва модем керак бўлади.

Маҳалла раисининг сўзларига кўра, хизматлар маҳалла биносида ёки маҳалла ичидағи маълум бир кўча бошида кўрсатилади. Хизматлар эрталабдан то охирги аризага қадар кўрсатилади ва «Дамас» операторларининг ишлаш вақти аризалар сонига боғлиқ бўлади. Бир ташрифда таҳминан 10-12 та ариза қабул қилинади. **Бундан ташқари, аҳолининг давлат хизматлари кўрсатиш борасидаги хабардорлиги пастлиги сабабли, маҳалла фуқаролари моддий ёрдам сўраб ва сув, энергия манбаларидан (электр энергия, газ) фойдаланиш билан боғлиқ кундалик муаммоларини ҳал этиш учун маҳалла**

<sup>16</sup> <https://my.gov.uz/ru/service/190>

**операторларига мурожаат қилиш ҳолатлари тез-тез учраб туради.** Масалан, жойлардаги қабулларда ахоли газ, электр таъминоти йўқлиги ва ДХМ ваколатига кирмайдиган бошқа муаммолар юзасидан шикоят қила бошлади.

Маҳалла вакилларининг сўзларига кўра, автобуслар ва «Дамас»лар бирга келмайди. Автобуслар, одатда, юкори турувчи органлар томонидан ўтказиладиган йирик қабуллар чоғида вилоятларга сайёр хизматларни кўрсатиш учун боради. Автобус ва «Дамас»нинг ташрифлари биргалиқда ташкил этилса, автобус вилоят бошқармасидан, «Дамас» эса туман ДХМ операторлари билан жўнайди. Автобуслар барча жиҳозлар билан таъминланганни боис уларга «Дамас» операторлари ҳам қўшилмоқда, уларнинг биргалиқдаги фаолияти давлат хизматларини янада самарали кўрсатиш учун барча зарур шарт-шароит яратмоқда.

**Олис маҳаллалар ахолиси кўрсатилаётган хизматлардан мамнун бўлиб, охирги пайтларда улар ўз маҳаллаларига «Дамас»/автобусларнинг тез-тез келишини таклиф қилмоқдалар.**

#### 6.2.4 Сайёр давлат хизматлари учун тўловларни амалга ошириш

ДХМ ва маҳаллалар вакиллари билан сухбат чоғида хизматлар учун тўловни ДХМнинг кассаси, почтадаги касса, Paynet, Payme ва Click тўлов тизимлари (онлайн) ёки банк кассалари орқали амалга ошириш мумкинлиги маълум бўлди. Асосан, сайёр хизматларнинг фойдаланувчилари тўловни қабул қилиш учун операторга мурожаат қиладилар. Маҳаллаларга ташриф буюрган операторлар орасида ахолидан нақд пул қабул қилиш хуқуқига эга бўлган кассир ёки оператор мавжуд бўлиб, улар сўнгра счёт-фактураларга кўра тўпланган миқдорни ДХМ кассасига топширади. Бундан ташқари, агар ариза берувчи хизмат учун онлайн тарзда тўловни амалга оширишни билмаса, операторлар кўпинча уларга Payme ёки Click орқали тўлов қилишда ёрдам берадилар.

Фуқаролар томонидан пуллик хизматлар нархини пасайтириш ёки тўловни бир неча қисмга бўлиш орқали қисман тўлов қилиш имкониятини таъминлаш бўйича таклифлар келиб тушмоқда. Бундан ташқари, кам таъминланган фуқаролар баъзан давлат хизматларининг нархи баландлиги туфайли давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортишга мажбур бўлмоқдалар (масалан, кадастрни рўйхатдан ўтказиш ёки кўчмас мулкни рўйхатга олиш).

#### 6.2.5 Сайёр хизматларни кўрсатишда «Дамас»/автобусларнинг бюджети ва харажатлари<sup>17</sup>

Жиззах вилояти ДХАнинг жойлардаги сайёр ташрифлари бюджети ва харажатлар моддалари ДХА томонидан бир йил муддатга тузилади ва тасдиқланади. Сўнгра, тасдиқланган бюджет автобуслар борадиган 12 та туманга тақсимланади. **Сирдарё вилоятига нисбатан Жиззах вилояти ДХАнинг сайёр ташрифлар бюджети анча юкори.** 2021 йилда тақдим этилган маълумотларга кўра (5-жадвалга қаранг) автобуснинг ойлик бюджети 2 миллион 989 минг сўмни, йиллик бюджети эса қарийб 36 миллион сўмни ташкил этади. Ушбу миқдорга ёқилғи, двигатель мойи, мой, ҳаво фильтрлари ва ойига бир марта антифризни алмаштириш, кутилмаган харажатлар, тиббий никоблар ва антисептиклар ҳаражатлари киради.


<sup>17</sup> Автобуслар ва «Дамас»лар бюджетлари тўғрисидаги маълумотлар БМТТДнинг соҳадаги маслаҳатчиси – ДХА Жиззах бошқармаси ходими ва ДХА Жиззах бошқармасининг бошқа ходимлари томонидан тақдим этилган.

Тасдиқланган жадвалга кўра, 2021 йилда автобус Жиззах вилояти ҳар бир туманинг биттадан маҳалласига ҳар ойда бир марта, яъни йилига 12 марта қатновни ташкил этди. Шундай қилиб, битта ташриф сарфи 2 миллион 989 минг сўмни ташкил этади. Бюджетнинг деярли барча микдори (92%) ёқилғи харажатига тўғри келади - 250 литр ёки ойига тахминан 1563 км. Кутилмаган харажатларни қоплаш учун 4%, двигатель мойи, мой, ҳаво фильтрлари ва антифризларни алмаштириш учун 2,5%, шахсий ҳимоя воситаларига (тиббий ниқоблар ва антисептиклар) 1,5% ажратилади.

#### **5-жадвал. Автобусга сарфланадиган тахминий харажатлар, Жиззах вилояти Бахмал тумани**

Номи	Умумий сони ойига	Бирлик нархи	Жами ойига
Ёқилғи сарфи (ҳар 100 км 16 литр, ойига 1563 км)	250	11000	2 750 000,00
Двигатель мойи, мой, ҳаво фильтрлари ва антифризни алмаштириш	1 марта	75000	75 000,00
Бошқа кутилмаган харажатлар	1 марта	120000	120 000,00
Тиббий ниқоблар	30 дона	800	24 000,00
Антисептиклар	1 дона	20000	20 000,00
<i>Бир ташриф учун умумий микдор</i>			<b>2 989 000,00</b>

#### **4-расм. Жиззах вилояти Бахмал туманидаги автобус харажатларининг тақсимланиши**



Жиззах шаҳридан Ойқор, Музбулоқ ва Молгузар пилот маҳаллаларигача бўлган масофа мос равишда 80, 100 ва 80 кмни ташкил қиласиди. Ўртacha ёқилғи сарфига кўра (ҳар 100 км га 16 литр) бир йўналишда пилот маҳаллаларга сарфланадиган ёқилғи микдори мос равишда 13,

16 ва 13 литр бўлиб, 141, 176 ва 141 минг сўмни ташкил қилади. Қайтиш йўлини инобатга олган ҳолда, пилот маҳаллага ташриф буюриш учун ёқилғи харажати бир йўналиш ёқилғисининг 13%идан ошмайди. **Шундай қилиб, белгиланган ёқилғи харажатларини ҳисобга олган ҳолда, автобуслар Бахмал туманида ойига қатновлар сонини сезиларли даражада ошириши ва шу орқали кўпроқ маҳаллаларни қамраб олиши мумкин. Яъни, ажратилган бюджет бир туманда ойига 7-8 та маҳаллага ташриф буюриш имконини беради.**

«Дамас»/автобусларнинг харажат моддалари ва бюджети ҳам ДХА томонидан бир йилга тасдиқланади. Демак, 2021 йилда Бахмал туманидаги «Дамас»нинг ойлик бюджети 1 миллион 890 минг сўм бўлиб, унга ёқилғи ва бошқа транспорт харажатлари, кутилмаган харажатлар ҳамда тиббий никоблар, антисептиклар, баннерлар ва реклама материаллари учун сарфланган харажатлар киритилган. 6-жадвалда Бахмал туманида сайёр хизматларнинг харажатлар моддалари батафсил тавсифланган. **Ховос туманига нисбатан Бахмал туманида ойлик ёқилғи лимити пастроқ бўлиб, 120 куб метрни ташкил қилади.**


Бюджетнинг салмоқли қисми (40%дан ортиғи) баннерлар (33%) ва реклама материалларига (8%) сарфланади. Ёқилғи харажатлари ойлик бюджетнинг қарийб 16%ини ташкил қилади. Двигатель мойи ва бошқа қисмларни алмаштириш, шиналар эскириши, баланслаштириш, шиналарни ўрнатиш, ғилдиракларни текислаш ва техник хизмат кўрсатиш каби автотранспорт харажатлари қарийб 22%ни ташкил қилади. Яна 17%и шахсий ҳимоя воситалари - антисептиклар ва никобларга, 4,2%и эса бошқа кутилмаган харажатларга тўғри келади.

#### **6-жадвал. «Дамас»нинг харажатлар сметаси, Жиззах вилояти Бахмал тумани**

<b>Номи</b>	<b>Умумий сони</b>	<b>Бирлик нархи ойига</b>	<b>Жами ойига</b>
Ёқилғи сарфи, м <sup>3</sup>	120	2 500,00	300 000,00
Двигатель мойи, мой, ҳаво фильтрлари ва антифризни алмаштириш	Ойда бир марта	135 000,00	135 000,00
Шиналар эскириши	Ойда бир марта	75 000,00	75 000,00
Баланслаштириш, шиналарни ўрнатиш, ғилдиракларни текислаш	Ойда бир марта	50 000,00	50 000,00
Жорий таъмиrlаш (двигатель, шасси, электр жиҳозлари ва бошқалар)	Ойда бир марта	150 000,00	150 000,00

Бошқа кутилмаган харажатлар	Ойда бир марта	80 000,00	80 000,00
Тиббий ниқоблар	300 дона	800,00	240 000,00
Антисептиклар	4 дона	20 000,00	80 000,00
Баннерлар	3 дона	210 000,00	630 000,00
Реклама материаллари	300 дона	500,00	150 000,00
<b><i>Бир ташриф учун умумий миқдор</i></b>			<b>1 890 000,00</b>

##### 5-расм. Бахмал туманидаги «Дамас» харажатларининг тақсимланиши



2021 йилда тасдиқланган маҳаллаларга ташриф буюриш жадвалига кўра, «Дамас» Бахмал туманига ҳар ойда 10 ташрифни амалга оширади. Бунда ҳар бир ташриф учун ёқилғи харажати 30 минг сўмни ташкил қиласди. Ўсматдан Ойқор, Музбулоқ ва Молгузар пилот маҳаллаларигача бўлган масофа мос равишда 40, 80 ва 40 кмни ташкил қиласди. «Дамас» ҳар 100 км га 8,3 кубометр газ сарфлайди<sup>18</sup>, яъни пилот маҳаллаларига бориб келиш харажати 17 минг (Ойқор ва Молгузар маҳалласи) ва 33 минг сўм (Музбулоқ маҳалласи)ни ташкил қиласди. Шундай қилиб, Ойқор ва Молгузар пилот маҳаллаларига ташриф буюрганда «Дамас»нинг ёқилғи харажати молиялаштирилган маблағнинг 56%идан ошмайди. Бироқ, энг олис маҳаллалардан бири – Музбулоққа ташриф буюрганилда, йўлга ажратилган ёнилғи лимити тўлиқ сарфланади (ёнилғи харажатларининг 111%и).

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги «Ўзавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат унитар корхонаси ҳисоб-китобларига кўра, 2019 йил.

**«Дамас»нинг бюджетини уларнинг харажатлар моддалари самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда мақбуллаштириш тавсия этилади. Молиялаштирилган маблағларнинг салмоқли қисми аҳолининг хабардорлигини оширишга хизмат қиласиган материалларга тўғри келса-да, маҳаллалар аҳолиси давлат хизматлари нима эканлигини тўлиқ тушунмайди, бу эса бу харажатларнинг самарадорлиги пастлигидан далолат беради. Бахмал туманидаги «Дамас»ларнинг ёнилғи лимитини кам самарадорлик моддаларини қисқартириш орқали ошириш мақсадга мувофиқдир.**

## 7 Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида иштирок этиш

Тадқиқот доирасида Ховос туманидаги Оқчанғал маҳалласи ва Бахмал туманидаги Молгузар маҳалласига иккита автобус ташрифи ва Ховос туманидаги Ўзбекистон тўкинчилиги ва Бахмал туманидаги Музбулоқ маҳаллаларига икки марта «Дамас» ташрифи ташкил этилди.

### 7.1 Ховос тумани (автобусда 1 марта, «Дамас»да 1 марта ташриф)

14 июль куни **Оқчанғал** маҳалласига автобусда ташриф бўлиб ўтди. Автобуснинг ташрифи лойиха ташкилотчиларининг илтимосига кўра, автобусларнинг кам қатнови сабабли олдиндан режалаштирилган эди. **Қолаверса, автобусларнинг қатнов жадвалий ўқлиги сабабли маҳаллага айнан қачон келиши аниқ эмас** эди. Тўртта сектор – хокимиёт, солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, прокуратура – раҳбарларининг йирик қабулларида муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида автобус маҳаллаларга бирга боради. ДХА ва ДХМ ходимлари одатда бундай қабулларга ҳамроҳ бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатадилар.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган жиҳозлардан автобусда **фақат принтер** бор эди. Компьютерни хизмат кўрсатиши керак бўлган Ховос шаҳри ДХМ оператори олиб келди. Автобуснинг ички инфратузилмаси етарли даражада эди. Ишчи гурух маҳаллага келганида, автобус у ердалигига бир соатча вақт бўлган эди.

Бутун ташриф давомида аҳолидан ҳеч ким давлат хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилмади. Автобус маҳалла қўмитаси ёнида турган эди. Аҳоли ва маҳалла қўмитаси раисининг сўзларига кўра, ишчи гурух келишидан олдин автобус маҳаллага борйиғи икки марта келган эди. Ташибилардан бири режалаштирилган, иккинчиси - комиссия таркибида ўтган эди. Бироқ, одатда автобус маҳаллага камдан-кам келади. Қоида бўйича, автобусда кассир ҳам бўлиши керак. Аммо, вилоят ДХАда хизмат кўрсатиш ва ариза берувчилардан тўловларни қабул қилиш учун штат бирликлари мавжуд эмаслиги сабабли, кассир хизматлари туман ДХМ кассири томонидан кўрсатилиши керак. Аммо ДХМда ягона кассир фаолият юритиши боис, ариза берувчиларга тўғридан-тўғри хизмат кўрсатиш унинг устувор вазифаси саналади ва у «Дамас»/автобусда ташрифларга чиқа олмайди.

17 август куни Ўзбекистон тўкинчилиги маҳалласига ташриф бўлиб ўтди. Ўзбекистон тўкинчилиги маҳалласига ташриф чоғида «Дамас» маҳаллага олдиндан келишилган ҳолда жўнатилди, чунки жадвалга кўра, жорий йилда маҳаллага охирги марта 8 август куни ташриф бўлиб ўтган эди.

«Дамас»нинг ташрифи давомида Ховос тумани ДХМнинг икки нафар оператори бор эди. Операторларда хизмат кўрсатиш учун ёнларида ноутбуклар, шунингдек, ДХМдан олиб келинган принтер бор эди. Операторлар стационар интернетга кириш имконига эга бўлмагани учун мобил телефонларида уланиш нукта функциясидан фойдаландилар.

«Дамас» ташрифи давомида маҳалладан жами 28 нафар фуқаро давлат хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат килди. Ҳеч қандай навбат кузатилмади. Соат 13:00 гача маҳаллий мактабда хизмат кўрсатилди, сўнгра «Дамас» маҳалла қўмитасига бориб, у ерда соат 18:00 гача сайёр хизмат кўрсатишни давом этди. Барча ариза берувчилар сайёр хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. «Дамас»да кўрсатилган хизматларга

тўловларни қабул қилиш учун сайёр касса фаолият кўрсатди. Ариза берувчилар учун электрон тўлов усули ҳам мавжуд эди. Умуман олганда, «Дамас» соат 8:30 дан 18:00 гача маҳаллада бўлди.

Аҳолининг фикрича, сайёр хизматларни кўрсатишдаги «Дамас»нинг асосий камчилиги ташрифлар **жадвалининг мунтазам эмаслигидир**. «Дамас» орқали сайёр хизматларни кўрсатиш жараёнида иштирок этишда, аҳоли хизмат кўрсатиш жойи ва вақти ҳақида аввалроқ маҳалла қўмитаси вакиллари томонидан хабардор қилинган. Бироқ амалда маҳалла қўмитаси вакиллари ҳар доим ҳам аҳолини хабардор қила олмайди, чунки уларнинг ўзлари «Дамас»/автобус қачон келишини билмайдилар, шу сабабли кўпчилик аҳоли бу ҳақда хабардор бўлмай қолади. Аҳоли «Дамас»/автобусларнинг қаердалигини қўшниларидан билиб олади.

## 7.2 Бахмал тумани (автобусда 1 марта, «Дамас»да 1 марта ташриф)

Гурухнинг **Молгузар** маҳалласига ташрифи жадвалини олдиндан келишиб, вилоят ДХА автобуснинг маҳаллага боришини таъминлади, чунки расмий жадвалга кўра, автобус Бахмал туманига йилига фақат бир марта келади.

Вилоят ДХА ходимларининг сўзларига кўра, аҳоли пунктларига автобуслар аризалар бўйича жўнаб кетади. **Бироқ, кейинроқ маълум бўлишича, на оператор, на автобус ҳайдовчиси аниқ маршрутни билмаган**. Кейинроқ Молгузар маҳалла қўмитаси раиси таъкидлаганидек, автобус уларга биринчи марта ташриф буюрган. Бунгача уларга фақат «Дамас»лар ёки ДХМ ходимлари шахсий автомашиналарида келганлар.

Қайд этиш жоизки, Жиззахдан Молгузар МФЙгача бўлган йўл авария ҳолатида бўлиб, автобус бу йўлдан базур ўтди. Шуниси эътиборга лойиқки, ташриф давомида оператор ахборот тизимиға кириш имконига эга бўлмаган (логин ва пароль). **Автобусда хизмат кўрсатиш учун ҳеч қандай ускуна (компьютер, принтер ва бошқалар) йўқ** эди. **Натижада, оператор аҳолига хизмат кўрсата олмади**.

**Бундан ташқари, ташриф давомида ҳеч ким давлат хизматидан фойдаланиш истагини билдирамади.** Бу, раиснинг сўзларига кўра, маҳаллада 4,5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилганига ва маҳалла қўмитаси ҳузурида аҳолини «Дамас» келиши ҳақида хабардор қилувчи ваколатли ижтимоий фаоллар мавжудлиги қарамасдан бўлган ҳолат.

Бироқ, умуман олганда, автобус яхши ҳолатда эди ва салоннинг ички инфратузилмаси техник талабларга жавоб берган эди. **Маҳалла қўмитаси раисининг сўзларига кўра, «Дамас»лар ўртacha ойда бир марта ташриф буюради, бироқ хизмат кўрсатишга кўпинча интернет тармоғига уланиш сифатининг пастлиги, зарур жиҳозларнинг йўқлиги каби техник муаммолар таъсир кўрсатади. Аксарият аҳоли давлат хизматларидан туман марказида ёки ДХМ филиалида фойдаланишга мажбурдирлар.**

**Музбулоқ** маҳалласига ташриф 2021 йил 20 август куни бўлиб ўтди. Жадвалга кўра, «Дамас» йилига 4 марта маҳаллага келиши керак. **Маҳаллага ташриф чоғида «Дамас» носоз ҳолатдалиги ва оператор олдиндан енгил автомашинада маҳаллага жўнатилгани маълум бўлди. Дамас 7 август куни маҳаллага келиши керак бўлган**

**бўлса-да, маҳалла раисидан ташқари маҳалла вакиллари билан учрашганда, йиғилганларнинг қўпчилиги сайёр хизмат мавжудлигидан бехабар эди.** Ҳокимнинг жойларда ўтказилаётган сайёр қабулларида сайёр хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлган маҳалланинг бир неча фуқаролари бундан мустасно: улардан бири оператор билан кадастри расмийлаштириш учун зарур бўладиган хужжатлар рўйхати борасида маслаҳатлашди, иккинчиси эса СТИРни олди.

Музбулоқ маҳалласига келганда маҳалла қўмитасида, ДХМ директорининг айтишича, ҳар ҳафта шу маҳаллага келиб турадиган операторни кўриш мумкин эди. Шу билан бирга, маҳаллалар аҳолиси билан сұхбат чоғида «Дамас»/автобусларнинг келиши зарурлиги ва бундай тезкор қатновларнинг йўлга қўйилиши олис маҳаллалар аҳолисига давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада осонлаштиришини таъкидлади. Бундан ташқари, аҳоли давлат хизматларидан фойдаланиш тартиб-қоидаларини асосан телевидение орқали ёки дўстларидан билиб оладилар, бу эса ДХМ операторларининг, аҳоли хабардорлигини ошириш борасида янада самарали ишлаши зарурлигидан далолат беради.

Ушбу маҳалла тажрибаси шуни кўрсатадики, сайёр давлат хизматларини кўрсатиш учун ДХА нафакат «Дамас», балки бошқа ҳар қандай транспорт туридан ҳам фойдаланиши мумкин, чунки техник жиҳозлар мавжуд бўлмаганда «Дамас» транспорт воситаси сифатида хизмат қиласи. Қолаверса, «Дамас»нинг олис маҳаллаларга етиб боришига бузилган йўллар катта тўсиқ бўлмоқда. Музбулоқ маҳалласида яқинда янги муқобил йўл қурилиб, маъмурий марказ ва маҳалла ўртасидаги масофани сезиларли даражада оширди.

Бундан ташқари, оператор аризаларни қабул қилиш учун ноутбук ва мобил интернетга эга. **Бироқ ташриф буюрилган куни сайёр хизматлардан фойдаланиш учун ариза берувчилар бўлмади.** Маҳалла фуқаролари ФҲДЁ бўлимига ариза бериш, тугилганлик тўғрисидаги маълумотномани олиш каби хизматларнинг кескин танқислигини ҳис қилмоқда. Шунингдек, маҳалланинг масъул ходимини бевосита маҳалла қўмитаси биносида хизмат кўрсатиш учун тайинлаш, унга ДХМ тизимиға кириш имкониятини бериш таклифи ҳам билдирилди. Бу уларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш харажатларини сезиларли даражада камайтиради.

## 8 Тавсиялар

**Таҳлил «Дамас»/автобусларнинг амалдаги қатнов жадвали ва ҳақиқий ташрифлар сони ўртасида сезиларли тафовут мавжудлигини аниқлади.** Аниқланишича, режалаштирилган ташрифлар сони олис маҳаллалардаги давлат хизматларига бўлган талабни қондириш учун етарли эмас.

«Дамас» жадвалларини тузишда маҳалланинг узоқлиги, сайёр давлат хизматларига бўлган талаб ва филиалнинг мавжудлиги каби муҳим омиллар хисобга олинмаганлиги сабабли, ДХА вилоят бошқармалари ва ДХМ туман бўлимлари учун қўлланма бўлиб хизмат қиласиган маҳаллаларни танлаш мезонлари, ташрифлар қатнов сони ва вақтини ишлаб чиқиш зарур. Бу мезонларга қуидагилар киради:

- **маҳалланинг туман марказидан ва энг яқин ДХМ филиалидан узоқлиги.** Масалан, Ховос туманида - 25 км дан, Бахмалда - 30 км дан. Шаҳар маҳаллалари жадвалдан чиқариб ташланиши керак. Сайёр хизматлар фақатгина ДХМ филиали ёки туман марказига бориш қийин бўлган олис маҳаллаларни қамраб олиши керак.
- **давлат хизматларига талаб.** Маҳаллаларга келганда аризаларнинг максимал сони 20 тадан ошмайди. Демак, баъзи маҳаллаларда узоқда жойлашганига қарамай, сайёр хизматларга шошилинч эҳтиёж сезилмаяпти. Бундай маҳаллаларнинг талаби бошқа талаби катта бўлган олис маҳаллага келганда қамраб олиниши мумкин.
- **маҳаллалар яқинида ДХМ филиалларининг мавжудлиги.** «Дамас»лар/автобусларда ДХМ филиаллари жойлашган маҳаллаларга бориш шарт эмас. Шунингдек, ушбу маҳаллалар билан чегарадош маҳаллаларни жадвалдан чиқариб ташлаш керак. Бунинг ҳисобига олис маҳаллаларга ташрифлар сонини ошириш мумкин.

**Аммо бу мезонлардан фойдаланиш учун маҳаллалар раислари «Дамас»нинг қатнов жадвалидан хабардор бўлишлари ва келишидан аввал аҳолини хабардор қилишлари керак. Шунингдек, олис маҳаллаларда бўлган аризалар статистикасини ҳам ўрганиш зарур.**

1. **Олис маҳаллаларга автобус қатновининг мақсадга мувофиқлиги ҳамда автобуслар ва «Дамас»ларнинг давлат ҳокимияти органлари вакилларини билан билан жойлардаги сайёр қабуллари мобайнида биргаликда боришини тўхтатиши масаласини қайта кўриб чиқши.**

Тадқиқот шуни кўрсатдики, автобуслар камдан-кам сафарга чиқади. Бундан ташқари, расмий жадвалга кўра, автобуслар энг олис маҳаллаларни қамраб олмайди. Де-юре автобуслар «Дамас»лар билан ҳамкорликда ишлаши лозим, де-факто улар ҳокимият билан ҳамроҳликда ташриф буюради. Шу муносабатда, сайёр давлат хизматларини кўрсатиш воситаси сифатида автобусдан фойдаланиш самарадорлиги ўзини оқламайди. Автобусларни бекор қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун ажратиладиган маблағларни «Дамас»ларни қайта жиҳозлаш ва ДХМ филиалларида ходимлар сонини кўпайтиришга қайта таксимлаш тавсия этилади.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллари (ҳокимлар ёки ҳоким ўринбосарлари), шунингдек, давлат дастурлари доирасида ташкил этиладиган тадбирлар жараёнида сайёр хизматларни кўрсатиш учун «Дамас» ва автобусларнинг режадан ташқари чиқиши амалиётини тўхтатиш лозим.

## **2. Маҳаллаларга қатнов жадвалларини уларнинг жойлашувини ҳисобга олган ҳолда мақбуллаштириши**

Маҳаллаларнинг олисда жойлашганигини инобатга олган ҳолда «Дамас»ларнинг ташриф жадвалларини янгилаш тавсия этилади. Натижада, ярим маҳаллаларга «Дамас»лар умуман бормайди ва, агар «Дамас» маҳаллада ярим кун бўлса, яқин атрофдаги маҳаллаларни бир ташриф ичидан қамраши мумкин бўлади. Шундай қилиб, ҳар ҳафта олис маҳаллаларга қатнов инобатга олинган ҳолда тавсия этилган жадвал қуида келтирилган.

### **Сирдарё вилояти Ховос туманидаги маҳаллаларга «Дамас»нинг қатнов жадвали**

№	Ховосдаги маҳаллалар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
1	Афросиёб	Об-ҳаво ва иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда сайёр хизматлари	1-ҳафта		4-ҳафта			1-ҳафта			2-ҳафта		
2	Бинокор		2-ҳафта			1-ҳафта		2-ҳафта			3-ҳафта		
3	Бўйстон		3-ҳафта		2-ҳафта				1-ҳафта		4-ҳафта		
4	Қайирма		4-ҳафта		3-ҳафта			2-ҳафта				1-ҳафта	
5	Қоракум			1-ҳафта		4-ҳафта			3-ҳафта			2-ҳафта	
6	Пахтакор			2-ҳафта			1-ҳафта		4-ҳафта			3-ҳафта	
7	Соҳибкор			3-ҳафта			2-ҳафта			1-ҳафта		4-ҳафта	
8	Ўзбекистон тўкинчилиги			4-ҳафта			3-ҳафта			2-ҳафта			1-ҳафта
9	Фарҳод				1-ҳафта		4-ҳафта			3-ҳафта			2-ҳафта
10	Хуснобод				2-ҳафта			1-ҳафта		4-ҳафта			3-ҳафта
11	Шарқобод				3-ҳафта			2-ҳафта			1-ҳафта		4-ҳафта

\* Қуидалага ташрифлар амалга оширилмайдилар: Ҳавособод, Мустақилликнинг 25 йиллиги, Мустақиллик, Янгиер, Оқчангол, Обод турмуш, Гулбаҳор, Қаҳрамон

### **Жиззах вилояти Бахмал туманидаги маҳаллаларга «Дамас»нинг қатнов жадвали**

№	Бахмалдаги маҳаллалар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
1	Музбулоқ	Об-ҳаво, иклим ва ҳудуднинг географик шароитларини ҳисобга олган ҳолда сайёр хизматлари кўрсатилмайдилар	1-ҳафта		3-ҳафта			1-ҳафта		3-ҳафта			
2	Нушкент		2-ҳафта		4-ҳафта			2-ҳафта		4-ҳафта			
3	Ойқор						1-ҳафта		3-ҳафта			1-ҳафта	
3	Темирқадам												
	Ўрмончи												
4	Молгузар			3-ҳафта			2-ҳафта		4-ҳафта			2-ҳафта	
5	Тонготар			3-ҳафта									
	Янгибог'				1-ҳафта								
6	Навбаҳор				2-ҳафта		3-ҳафта			1-ҳафта		3-ҳафта	
	Бунёдкор						4-ҳафта			2-ҳафта		4-ҳафта	
7	Гулбулоқ				3-ҳафта			1-ҳафта		3-ҳафта			1-ҳафта
8	Нурағашон				4-ҳафта			2-ҳафта		4-ҳафта			2-ҳафта
	Шодлик												
9	Узунбулоқ					1-ҳафта		3-ҳафта			1-ҳафта		3-ҳафта
	Мустақиллик												
10	Маданият					2-ҳафта		4-ҳафта			2-ҳафта		4-ҳафта

\* Қуидалага ташрифлар амалга оширилмайдилар: Ўсмат, Дўстлик, Оқтош, Сарой, Кутлугобод, Санѓзор, Мугол, Новқа, Богишамол, Бахмал, Фидокор, Барлос

Тавсия этилган жадвалларни тузишда маҳаллаларнинг туман ДХМдан, шунингдек, ҳар бир тумандаги ДХМ филиалларидан узоқлиги ҳисобга олинди. Бундан ташқари, ярим кунлик сайёр хизматларни кўрсатиш шарти билан, бир қатновда яқин атрофдаги 2 та маҳаллага ташриф буюрилиши мумкин.

## **3. «Дамас»ларнинг моддий-техникавий таъминотини яхшилаши.**

Ишчи гурухларнинг ташрифлари натижалари шуни кўрсатдики, «Дамас»ларнинг моддий-техник таъминланиш даражаси аҳолига тўлиқ давлат хизматларини кўрсатиш учун етарли эмас. Шу сабабли, кўрсатилаётган хизматлар сони ДХМда кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлардан сезиларли даражада фарқ қиласи. Ҳар бир «Дамас»га олис маҳаллаларга қатнаш учун мавжуд бўлиши керак бўлган стандарт жиҳозлар ва буюмларни белгилаш тавсия этилади. Ушбу жиҳозлар ва буюмларнинг рўйхати ҳар бир транспорт воситасига бириктирилиб, бошқа мақсадларда фойдаланилмаслиги керак. Хусусан, «Дамас»ларни куйидагилар билан жиҳозлаш тавсия этилади:

- паст вольтли принтер (ҳар бир «Дамас» учун 1 дона);
- сканер (ҳар бир «Дамас» учун 1 дона);
- ноутбуклар (ҳар бир оператор учун 1 донадан);
- бир нечта операторларнинг СИМ-карталари<sup>19</sup>;
- бир нечта операторларнинг мобил интернет модемлари (ҳар бир уяли алоқа компания учун 1 донадан);
- йиғма стол ва стуллар (операторлар ва мижозлар учун 2 дона стол ва 3-4 дона стул).

Бу «Дамас»ни аҳоли билан мустақил ишлай оладиган ва борган жойидан қатъий назар хизмат кўрсата оладиган тўлақонли сайёр қурилмага айлантиради. Ушбу тавсиянинг муҳим жиҳати интернетга уланишдир. Операторларни, қамров зонаси ва мобил интернет модемларига қараб, бир нечта алоқа операторларининг СИМ-карталари билан таъминлаш муҳимдир.

#### **4. Олис маҳаллаларда айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ДХМнинг масъул агенти лавозимини жорий этиши.**

Сайёр давлат хизматларига бўлган эҳтиёжни камайтириш мақсадида ҳар бир олис маҳалла учун регламент жиҳатидан энг оммабоп ва оддий хизматларни (болани мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш учун ариза бериш, наркология ва руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриш (турмаслик) тўғрисида маълумотнома, судланмаганлик (судланганлик) тўғрисида маълумотнома олиш учун ариза бериш ва бошқалар) кўрсата оладиган ДХМ агентини тайинлаш таклиф этилмоқда. Ушбу ходим компьютер ваофис жиҳозларидан фойдалана олиши керак.

Ушбу ходимлар туман ДХМларида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича тезлаштирилган курслардан ўтишлари мумкин. Бундан ташқари, уларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимиға уланиш хуқуқи берилиши керак. Бунда сайёр хизматлардан фойдаланишга эҳтиёж сезиларли даражада камаяди ва аҳоли учун давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулайроқ шароитлар яратилади.

Бунинг учун маҳалла қўмиталари хузурида фуқароларни қабул қилиш учун алоҳида хона ташкил этиш ва у зарур жиҳозлар билан таъминланиши зарур. Бундай хоналар ДХМнинг маҳаллалардаги ўзига хос филиалларига айланади.

Ўз навбатида, ДХМ филиалларининг иши барқарор ва мунтазам равишда ташкил қилиниши керак. Бунинг учун ДХМ филиалларида иш билан таъминланадиган қўшимча штат бирликларини ташкил этиш зарур. Бу олис маҳаллалар аҳолисини давлат хизматлари билан

---

<sup>19</sup> Маҳалланинг жойлашуви ва уяли алоқа оператори қамровига қараб.

қамраб олиш даражасини оширади ва аҳоли учун давлат хизматларидан фойдаланишда қўшимча имкониятлар яратади.

##### **5. Сайёр давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона методологиясини ишлаб чиқиши**

Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш жараёни иштирокчиларнинг интуитив идрокига кўра, мавжуд тизим сайёр давлат хизматлари тушунчаси, ушбу жараённи ташкил этиш, сайёр давлат хизматларини кўрсатиш, жадваллар ва бюджетларни, шунингдек, сайёр давлат хизматларини кўрсатиш жараёни стандартларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлашда ДХА ва ДХМ ролини мустаҳкамловчи меъёрий-хуқуқий актнинг йўқлиги сабабли парчаланган ва тарқоқ қўринади. Айни пайтда қуйидагилар мавхумлигича қолмоқда:

- «Дамас»лар ва автобусларнинг қатнов жадваллари қандай тамойил асосида тузилади;
- «Дамас»лар ва автобусларнинг бюджетлари қандай тамойил асосида тузилади ва қайси сабабларга кўра харажат моддалари ва харажатлар миқдори туманларга қараб фарқланади;
- автобуслар ва «Дамас»ларнинг роли ва вазифалари қандай, улар ўзаро бир-бiri билан қандай муносабатда бўлади;
- «Дамас»лар ва автобусларни жиҳозлаш стандартлари - нима бўлиши зарур, қандай миқдорда, бу жиҳатлар ким томонидан ва қандай белгиланади/тартибга солинади.

Юқорида айтиб ўтилган жиҳатларга аниқлик киритиш учун сайёр давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини тартибга солувчи ва қуйидагиларни ўз ичига олевчи тегишли меъёрий-хуқуқий акт талаб қилинади:

- сайёр давлат хизматлари тушунчаси;
- жараён иштирокчилари – ДХА вилоят бошқармалари, ДХМ ва маҳалла қўмитаси вакилларининг роли ва вазифалари;
- автобуслар ва «Дамас»ларнинг қатнов жадвалларини тузиш мезонлари;
- автобуслар ва «Дамас»ларнинг бюджетларининг харажат моддалари;
- «Дамас»лар ва автобусларнинг техник жиҳозланиши қўрсаткичлари – «Дамас» ва автобусда қандай техника ва жиҳозлар ва қанча миқдорда бўлиши кераклиги;
- сайёр давлат хизматларини кўрсатиш жараёни стандартлари, жумладан ташрифлар вақти ва сони, сарфланган вақт, техник жиҳозлар, операторлар сони, тўлов усуллари ва бошқалар.

Қонунчиликда белгиланган мажбуриятлар ва стандартлардан келиб чиқсан ҳолда, белгиланган стандартларнинг бажарилиши устидан мунтазам мониторингни таъминлаш зарур.

##### **6. Аҳолининг давлат хизматлари, шу жумладан сайёр хизматлар ҳақида хабардорлигини ошириши.**

Аҳоли ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари шуни кўрсатдики, аҳоли «давлат хизматлари» атамаси ҳақида аниқ тушунчага эга эмас. Сўровлар ва сухбатлар ўтказиш жараёнида маълум бўлдики, давлат хизматлари деганда аҳоли давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва функцияларни тушунади. Аҳоли

«Дамас»/автобуслар орқали давлат хизматларидан фойдаланганда ҳам, улар давлат хизматларидан фойдаланганлигини билмаганлар. Қолаверса, аҳоли айрим ҳолларда операторларга Давлат хизматлари марказларига алоқадор бўлмаган (электр таъминоти сифати пастлиги, йўлларнинг бузилганлиги ва х.к.) ариза ёки шикоятлар билан мурожаат килгандар.

Шунингдек, улар ҳар доим ҳам фойдаланишлари мумкин бўлган хизматлар рўйхати ҳақида маълумотга эга эмаслар. Бунинг учун маҳалла қўмиталарини умумий давлат хизматлари ва сайёр хизматлар кўрсатиш ҳақида маълумот берувчи брошюралар ва плакатлар кўринишидаги ахборот материаллари билан таъминлаш тавсия этилади. Буни «Дамас»/автобуслар бюджетидан баннерлар, реклама материаллари харажатларини бекор қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Аҳолининг давлат хизматлари, жумладан, сайёр хизматлар тўғрисида, масалан, телевидение, радио ва оммавий ахборот воситалари орқали хабардорлигини ошириш, шунингдек, аҳоли гавжум жойларда – бозорлар ва бошқа ижтимоий инфратузилма обьектларида - ахборот баннерларини жойлаштириш. Маҳалла қўмиталари вакиллари томонидан ташвиқот ишлари маҳалла аҳолисининг кўпчилиги йигиладиган ҳар қандай байрам ва тадбирларда ҳам олиб борилиши мумкин.

Хусусан, аҳолига қўйидагилар маълум бўлиши керак:

- ДХМ орқали фойдаланиш мумкин бўлган хизматлар рўйхати;
- Давлат хизматларидан онлайн фойдаланиш учун ЯИДХПдан фойдаланиш бўйича батафсил кўрсатмалар;
- «Дамас»/автобусларнинг маҳаллага қатнов жадвали ва вақти;
- ДХМ филиалларининг тумандаги жойлашуви;
- Туман ДХМнинг контактлари.

Бундан ташқари, телевидениеда реклама кампаниясини ўтказиш тавсия этилади (асосан, прайм-таймда).

## **7. Сайёр хизматларни кўрсатишида «Дамас»/автобуслар фаолияти учун ажратиладиган бюджетни мақбуллаштириши.**

Айни пайтда **«Дамас»/автобусларнинг сайёр давлат хизматларини кўрсатиши бўйича** икки пилот тумандаги харажатлари ҳам миқдори, ҳам харажат моддалари бўйича фарқланади. Бу суғурта, техник кўрикдан ўтказиш, двигатель мойи, мой, ҳаво фильтрлари ва антифризларни алмаштириш, шиналар эскириши ва баллонларни алмаштириш, баланслаштириш, шиналарни ўрнатиш ва ғилдиракларни текислаш ва бошқа кутилмаган техник хизмат кўрсатиш каби харажатлар моддаларига ягона талабларнинг йўқлиги натижасидadir (двигатель, шасси, электр жиҳозлари ва х.к.). «Дамас»/автобуслар учун ягона харажат моддаларини тасдиқлаш зарур. Ёқилғи харажатлари туманларнинг географик ва инфратузилмавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шаклланиши керак. Масалан, Ховос тумани текислик бўлса, Бахмал туманининг салмоқли қисми тоғли бўлиб, ёқилғи сарфини сезиларли даражада оширади<sup>20</sup>. Ёқилғи харажати билан ҳақиқий масофалар


<sup>20</sup> Ўрганиш натижаларига кўра, Бахмал туманида ойлик газ лимити 120 м<sup>3</sup>, Ховос туманида 160 м<sup>3</sup> ни ташкил этади.

ва «Дамас»/автобус ҳаракатланиши керак бўлган шароитлар ўртасида ўзаро алоқа мавжуд эмас.

#### ***8. Сайёр хизматларни тўлиқ кўрсата оладиган операторлар сонини кўпайтиши***


Ўрганиш жараёнида маълум бўлишича, айрим ҳолларда ДХМда тўловни қабул қилиш учун фақат битта ходим масъул бўлиб, шунга кўра у «Дамас» билан кета олмайди, бу эса ахолига сайёр давлат хизматлари учун тўловни амалга оширишда муаммолар туғдириши мумкин. Шу муносабат билан ДХМда ахолидан тўловларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган операторлар сонини кўпайтиши тавсия этилади. Бундан ташқари, сайёр давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида, ҳар бир оператор олис маҳаллага мустақил равишда қатнай олиши учун кўпроқ операторларни ҳайдовчилик гувоҳномаси билан таъминлаш тавсия этилади.

9 1-илова: Бахмал туманининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари харитаси<sup>21</sup>




<sup>21</sup> Пилот туманларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари жалб этилган маҳаллий мутахассислар томонидан тақдим этилган маҳалла паспортларидан олинди.


## ИШСИЗЛАР, УМУМИЙ АҲОЛИНИНГ ФОИЗИ




## ИШСИЗ ЁШЛАР (БАРЧА ЁШЛАРНИНГ ФОИЗИ)



## ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМАГАН УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ, БАРЧА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ФОИЗИ




## ТАЪМИРТАЛАБ ЙЎЛЛАР, УЗУНЛИК, КМ



## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИЛАН ҖАМРОВ, ФОИЗ




## НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН ШАХСЛАР, УМУМИЙ АҲОЛИНИНГ ФОИЗИ



## ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ




## АҲОЛИНИ СУЮЛТИРИЛГАН (МАИШИЙ) ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ (БАРЧА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ ФОИЗИ)





# МОБИЛ ИНТЕРНЕТ ҚАМРОВИ: МОБИЛ АЛОҚА БАЗАВИЙ СТАНЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ



Масштаб 1: 200 000


[1.11-расм](#)

## 10 2-илова. Ховос тумани ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари харитаси<sup>22</sup>




<sup>22</sup>Пилот туманларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари жалб этилган маҳаллий мутахассислар томонидан тақдим этилган маҳалла паспортларидан олинди.


## ИШСИЗЛАР, УМУМИЙ АҲОЛИНИНГ ФОИЗИ




## ИШСИЗ ЁШЛАР (БАРЧА ЁШЛАРНИНГ ФОИЗИ)




## ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМАГАН УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ, БАРЧА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ФОИЗИ



## ТАЪМИРТАЛАБ ЙЎЛЛАР, УЗУНЛИК, КМ



## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИЛАН ҶАМРОВ, ФОИЗ




## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР, УМУМИЙ АҲОЛИНИНГ ФОИЗИ




## АҲОЛИНИ ГАЗ (БАЛОНЛАР ЁКИ ТАБИЙ ГАЗ) БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ, БАРЧА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ ФОИЗИ



## ДХМ ФИЛИАЛЛАРИ



## МОБИЛ ИНТЕРНЕТ ҚАМРОВИ: МОБИЛ АЛОҚА БАЗАВИЙ СТАНЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ



## 11. З-илова. Икки пилот туманинг «Дамас»/автобуслари бюджетларининг қиёсий таҳлили

Харажат моддаси	Автобус				«Дамас»			
	Ховос тумани		Бахмал тумани		Ховос тумани		Бахмал тумани	
	Микдор	жами %да						
100 кмга ўртача ёқилғи сарғи	334 545,45	32 %	2 750 000,00	92 %	400 000,00	62 %	300 000,00	16 %
Техник күриқдан ўтказиш (мотор мойи ва фильтрларни алмаштириш ва х.к.)	72 727,27	7 %	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	100 000,00	16 %	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	Харажатлар моддаси мавжуд эмас
Двигатель мойи, мой, хаво фильтрлари ва антифризни алмаштириш	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	75 000,00	3 %	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	135 000,00	7 %
Шиналарнинг эскириши (баллонларни алмаштириш)	490 909,09	47 %	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	133 333,33	21 %	75 000,00	4 %
Баланслаштириш, шиналарни ўрнатиш ва фидиракларни текислаш	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	50 000,00	3 %					
Техник хизмат кўрсатиш (двигатель, шасси, электр жиҳозлари ва бошқалар)	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	150 000,00	8 %					
Сугурта	13 636,36	1 %			10 000,00	2 %		
Кўёш панелини текшириш	136 363,64	13 %	Харажатлар моддаси мавжуд эмас					
Бошка кутилмаган харажатлар	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	120 000,00	4 %	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	Харажатлар моддаси мавжуд эмас	80 000,00	4 %

<b>Тиббий никәблар</b>	Харажатлар моддаси мавжуд әмас	Харажатлар моддаси мавжуд әмас	24 000,00	1 %	Харажатлар моддаси мавжуд әмас	Харажатлар моддаси мавжуд әмас	240 000,00	13 %
<b>Антисептикклар</b>	Харажатлар моддаси мавжуд әмас	Харажатлар моддаси мавжуд әмас	20 000,00	1 %	Харажатлар моддаси мавжуд әмас	Харажатлар моддаси мавжуд әмас	80 000,00	4 %
<b>Баннерлар</b>	Харажатлар моддаси мавжуд әмас	630 000,00	33 %					
<b>Реклама материаллари</b>	Харажатлар моддаси мавжуд әмас	150 000,00	8 %					